Ilm o'zini bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1998 йил 18 февраль, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 12—13 (7009)

Da'vat

Болаликка буюк ҳурмат-эҳтиром билан қараш лозим.

ЮВЕНАЛ

Ibrat

Термиз Давлат университетининг домлалари инглиз тилини жиддий ўрганишга киришдилар. Улар ҳафтанинг белгиланган кунларида, ўзлари талабаларга маъруза қиладиган аудиторияларда, кечқурунлари университет қошидаги тил маркази ва чет тили факультети муаллимларидан беминнат сабоқ олмоқдалар.

Munosabat

БУГУНГИ ТАЛАБА БЎЛҒУСИ ФЕРМЕР

Унинг қанчалик иқтисодий ҳамда ҳуқуқий билимга эга бўлаётганлиги қишлоқ хўжалиги истиқболини белгилайди

Иқтисод сабоғи... Бугун барча мактабларда иқтисоднинг элементлари ўргатилмоқда. Ўрта махсус ўқув юртлари ўрнига келажакда 2001 йилдан бошлаб ҳунар коллежлари вужудга келади. Уларда ўқиган битирувчи камида учта касбга эга бўлиши ният қилинган.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 14 февраль куни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ҳокимлари, республика вазирликлари, қўмита, уюшма ҳамда компаниялар раҳбарлари билан учрашиб, айниқса, қонун лойиҳалари хусусида фикр сўраб, ўз муносабатларини билдиришлари менга бугунги бозор иқтисодидан сабоқ бўлиб туюлди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг муваффақияти фаровонликка асосдир. Бу фаровонлик таълимнинг ривожланишига ҳам таъсир қилади: Дунё бир бутун. Юртбошимиз **«Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқ хўжалиги барча соҳаларининг ҳам муваффақиятли ишлаши кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигидаги қониқарсиз аҳвол сақланиб қолар экан, мамлакат саноати, транспорти, умуман барча соҳасига ўзининг салбий таъсирини ўтказаверади. Чунки ишчи ҳам, ҳайдовчи ҳам, олим ҳам ҳамма қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бирдек эҳтиёж сезади»** деганда ана шу бир бутунликни назарда тутган эди. Ёки бошқа бир мисол. Дейлик, хўжалик оталигидаги мактаб 3 йилдан буён таъмирланмаган. Мактаб директори хўжалик раҳбаридан ёрдам сўрайди, раҳбар имконим йўқ, дейди. Чунки хўжаликда ишлаб чиқариш паст даражада. Бўйнигача қарзга ботган. У қандай қилиб таълимга ёрдам бера олади.

Юқорида иқтисод сабогини эсладим. Тасаввур қилинг, қишлоқ ёшларидан саралланган ҳунар коллежида бўлажак фермерларга Ўзбекистон Президенти қўйган саволлар ва уларга жавоб излаш тариқасида дарс ўтиляпти. Фермер ким? У ерни кимдан ва қай тартибда олиши, яъни қандай қилиб фермер хўжалиги ташкил қилиши мумкин? Фермер ким билан шартнома тузиши лозим? Шартнома қандай тузилади? Унга ким ва қай йўсинда режа қўяди? Фермер ерининг аҳволини қандай ўлчайди? Ер кадастри нима? Банкда ўз ҳисоб рақамини қандай қилиб очади? Фермер ишчилари билан қай тартибда келишиб ишлайди? Хўжалик суди нима, фермер қай пайтда унга мурожаат қилади ва ҳоказо қатор саволлар... Буларга қонунлардан жавоб излаб топган ва Президент айтмоқчи, қонун билан яшаган ёш фермер аввалдан режа тузади, ишлаб фойда кўради, эртанги кунга умид билан қарайди. Қонунларни яхши билган ва амалда қўллашга интилган фуқаро кўпайса эскидан қолган иллатлар — кўзбўямачиликлар, қўшиб ёзишу муттаҳамликлар йўқола бошлайди. Жамиятда қонунлар ҳукмрон бўлади. Демак, ёшларга билим бериш, ҳунар ўргатиш жараёнида уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонунлар моҳиятини тушунтириб ўргатиб боришимиз энг долзарб вазифадир.

Ўзбекистон Президентининг фикрларини тинглар эканман, уларда иқтисодий ва ҳуқуқий таълимни кундалик ҳаётга янада яқинлаштиришга, ёшларни ҳар томонлама ривожлантиришга даъват сездим.

Ҳ.САИДОВ

- **Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Украина Президенти Леонид Данилович Кучмани «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.**

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучманинг таклифига биноан шу йил 18—20 февраль кунлари расмий ташриф билан Украинада бўлади.**

- **Европа Иттифоқи Кенгаши Дания ҳукуматидан Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ушбу мамлакат парламенти ратификация қилгани ҳақида расмий хабар олди.**

JUMLADA JAHON

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Нурлан Балгимбаевни қабул қилди.**

- **Россия Бош вазирининг биринчи ўринбосари Борис Немцов Россиядаги темир йўллар хусусийлаштирилмаслигини хабар қилди.**

- **Белоруссия Президенти Александр Лукашенко Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг Ироққа қарши ядро қуролидан фойдаланиш ниятини қаттиқ қоралади.**

- **Ироқ Бош вазири ўринбосари Тариқ Азиз ўз мамлакатига қарши уруш ҳаракатлари бошлангудек бўлса, Ироқ Исроил ва Қувайтга ҳеч қандай ракета зарбаси бермайди, зарба босқинчиларга қарши қаратилади, деб баёнот берди.**

- **Германия ташқи ишлар вазири Клаус Кинкель ва «Даймлер Бенц» концерни президенти Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзега ўқ ўтмайдиган янги «Мерседес» машинасини совға қилишди.**

Jarayon

АВВАЛО, СТАНДАРТ ЗАРУР

Ҳозирги янги иқтисодий муносабатлар шароитида ишлаётган корхоналарнинг юқори малакали иши-мутахассисларга бўлган талаби уларни тайёрлаш тизимини ўзгартиришни талаб қилмоқда.

Бизнинг ўқув юртимиз авиасозлик ва машинасозлик соҳаси йўналишида малакали кадрлар тайёрлашга ихтисослашган бўлиб, асосан Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишлаб чиқариш бўлинмалари учун учиш аппаратларини йиғувчи чилангар, токарь, электргаз-пайвандчи каби жами 11 та касб бўйича кадрлар тайёрламоқдамиз.

Охирги йиллари шаҳардаги корхоналарнинг талаблари ва ёшларимизнинг истакларини эътиборга олган ҳолда ЭҲМ оператори (инглиз тилини чуқур ўрганиш билан), ҳисобчи, тикувчи-тадбиркор, менеджер каби янги касблар бўйича кадрларни тайёрлашга катта эътибор бераяпмиз.

Ўқув юртимизда ўз ишини жон-дилдан севадиган, доимо ўз малакаларини ошириш бўйича ишлайдиган ташаббускор ва ижодкор педагог кадрлар кўп. Оталиқ ташкилоти раҳбарияти билан жуда яхши алоқа ўрнатилган. Улар ҳам иложи борича ёрдамларини аямай келаяптилар. Шу боис жамоамизда таълим соҳасидаги ислоҳотларга ҳамоҳанг янгиликлар киритиш борасидаги ишлар бошланиб кетди. 1992 йил Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари билан ҳамкорликда «фрезерчи, материалларга ишлов бериш, дастгоҳларда ва автоматик линияларда ишлов бериш» мутахассислиги бўйича ўқув режаси ва дастурини ишлаб чиқдик.

Бу дастур бўйича ўқувчиларнинг ўқиши икки поғонада ташкил этилиб, биринчи поғонада тўла ўрта маълумот, иккинчи поғонада эса ўрта махсус таълим бериш ҳамда ишчи касби даражасини ошириш кўзда тутилган. Маълум сабаблар-

(Давоми 2-бетда)

Жиззах вилояти Абу Райҳон Беруний номидаги иқтидорли ўқувчилар гимназиясининг 22-наққошлик гуруҳи раҳбари Олимжон Нарзиев номи ота-оналар орасида тез-тез тилга олинадиган бўлди. Сабаби муаллим-мураббий раҳбарлигида ўқувчилар уй-рўзғор буюмларини ўзлари ясайдиган устага айланишди. Айни кунда элак, ўқлов, чакич, рапида, човли, жува, сабзи тахталар харидоргир бўлиб бораётир.

Суратда: гуруҳ раҳбари О.Нарзиев шогирди, 9-синф ўқувчиси Шерали Эгамқулов ясаган буюмларни кўздан кечиряпти.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат

Muammo

ЎҚУВЧИНИНГ БЎШ ВАҚТИ 160 КУН

Ундан қандай фойдаланиш зарур?

Бўш вақт ҳақида ўқувчида тушунчаларнинг бўлиши, ундан унумли фойдаланишнинг катта тарбиявий аҳамияти бор. Бўш вақтнинг тўғри ташкил қилинмаслиги эса айрим ўқувчилар хулқининг ўзгаришига, уларнинг «кўча таъсири «га берилиб кетишига олиб келиши мумкин.

Ўқувчининг бўш вақти кўп. У йил давомида таътил, байрам ва дам олиш вақтларини қўшганда 160 кунни ташкил этади. Агарда шу имкониятлардан унумли фойдаланилса, унинг маданий-тарбиявий дам олиши ва жисмоний чиниқишига доир режани тўлиқ бажаришга эришган бўламиз.

Ўқувчиларнинг бўш вақти кўпроқ телевизор кўриш, радио эшитиш, китоб, газета ўқиш ва кўчада ўртоқлари билан ўйнашга сарф этилишини билишимиз мумкин. Мактабимизда ўтказилган кузатишлар ўқувчиларнинг ўқишдан ташқари 80 фоиз вақти 2 соатдан 5 соатгача телевизор кўриш ё кўчада ўртоқлари билан ўйнашга сарф қилинаётган-

(Давоми 2-бетда)

ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ КЕЧАЯПТИ?

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг республика Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқан ҳолда вазирликнинг «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий Дастур» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонунларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш вазирлик комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари, ишчи гуруҳи раҳбари Й. Саиджонов бошқарди. Вазирлик бошқарма бошлиқлари, тегишли олийгоҳ ва бошқа муассасаларнинг масъул ходимлари иштирок этган ушбу йиғилишда асосий эътибор меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, раҳбар кадрлар ўқувларини ташкил этиш жараёнлари билан боғлиқ масалаларга қаратилди.

Меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқариш ва мувофиқлаштириш масаласи бўйича вазирлик ўрта умумтаълим бошқармаси бошлиғи Г. Алимова, раҳбар кадрлар ўқувини ташкил этиш масаласи бўйича эса ХТХМОИ ректори А. Акмаловнинг ахборотлари тингланди. Ўзбекистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари, ишчи гуруҳи раҳбари Й. Саиджонов ахборотлар юзасидан фикр билдирар экан, комиссия аъзолари ва бошқа мутасаддиларни бу борада қатъиятли бўлишга ва масъулият билан баҳамжиҳатликда ишлашга чақирди.

Норали ОЧИЛОВ, «Маърифат» нинг махсус мухбири

МАЪРИФАТ МАСЛАҲАТХОНАСИ 2-бет

ҲУНАР-ТУГАНМАС ХАЗИНА (саҳифа) 3-бет

ХОЖА ҲИКОЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ 5-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида 1998 йил 16 февраль куни маҳаллий ва хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди.

Брифингда қайд этилдики, сўнги вақтларда Ўзбекистонда вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган айрим экстремистик йўналишдаги диний ташкилотлар ва марказларнинг Покистон ҳудудида олиб бораётган фаолияти билан боғлиқ баъзи салбий ҳаракатлар маълум бўлмоқда.

Маълумотларга кўра, «Ҳизби Ҳаракати Жиҳод», «Даъват ул-Иршод» ва «Покистон ислом уламолари жамияти» каби ташкилотлар ёрдамида ўзбекистонлик, аксарияти Фарғона водийси ёшлари Пешовар туманида жойлашган диний ўқув юртларида ўқитилмоқда.

Ўқув жараёнида ҳаётий тажрибага ва мустақил дунёқарашга эга бўлмаган мазкур ёш йигитларга экстремистик кайфият, жиҳод ва ваҳобийлик ғоялари тарғиб этилмоқда ва иноитирилмоқда. Сўнгра улар 6-7 ой мобайнида Пешовар ва Афғонистоннинг толиблар назорат қилаётган ҳудудида жойлашган махсус лагерларда террорчилик фаолиятининг турли шаклларига ўргатилмоқда.

Мазкур «махсус тайёргарлик» курсини битиргандан кейин бу тоифадаги «тингловчилар» яширин қўпорувчилик фаолиятини амалга ошириш учун ноқонуний йўллар билан, асосан, Тожикистон ва Қирғизистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга қайтиб келадилар.

Турли манбалардан олинган маълумотларга кўра, ҳозир Покистондаги мазкур яширин ўқув марказларида Марказий Осиёдан, асосан, Тожикистон ва Ўзбекистондан келган 400 га яқин киши тайёрланмоқда.

Хусусан, Исломободдаги «Жума ул-Санифия», Мардон шаҳридаги «Табон» мадрасаларида ёшлар мафкуравий жиҳатдан тайёрланмоқда. Пешовар шаҳрининг Арбад Роуд туманида, Карачи шаҳрида ҳамда Пешовар яқинидаги Жалхоза, Шамшату, Окули Хатта қишлоқларида исломий жангарилар тайёрлайдиган махсус ўқув марказлари мавжуд.

Фарғона водийсидан Раҳим Ҳожиев, Акмал Ҳайдаров, Қосим Солихонов ва бошқалар (ҳаммаси бўлиб 15 дан зиёд) Лаҳор яқинидаги Рейванд шаҳрида «Даъвати таблиғ» номли ислом марказида 5 ойлик махсус тайёрлов курсидан ўтишган.

Бизнинг фикримизча, фаолиятлари тўғрисида Покистон расмий идоралари бехабар бўлган ушбу марказларнинг асосий мақсади исломнинг тинчликсевар тамойилларига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, экстремист йўналишдаги диний мафкуранинг ашаддий, мутаассиб тарафдорларини тайёрлашдан иборатдир. Террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш ва вазиятни беқарорлаштириш, анъанавий ислом негизларини барбод қилиш, қонуний конституцион тузумга қарши кураш ва натижада Марказий Осиё ҳудудида ўта экстремист йўналишдаги ислом давлатларини барпо этиш мақсадида мазкур шахслардан жангарилар

(Давоми 2-бетда)

Taklif

ЭҲТИМОЛЛАР НАЗАРИЯСИ НЕГА ЎҚИТИЛМАЙДИ?

Бозор иқтисодиёти ҳаётимизга шиддат билан кириб келди ва ўз навбатида ёшлардан ҳам замонга мос шиддатни талаб қиляпти. Бунга тайёргарликни эса мактаб партасиданоқ бошлаш керак. Дейлик мактабларда айрим фанларнинг одат тусига кириб қолган томонларидан кўра келажакда асқотадиган томонларига эътиборни кучайтириш керак, деб ўйлайман.

Ш. Алимов раҳбарлигида чоп этилган 9-синф учун «Алгебра», 10—11-синф учун «Алгебра ва анализ асослари» дарсликлари ҳозирги кунда ўрта мактаб, коллеж, лицейларда математикадан асосий дарслик сифатида фойдаланилмоқда. Дарслик зарур материалларга бой бўлса-да, аммо ҳозирги ўзгарувчан давр талабига тўла жавоб беролмай қолмоқда.

Дарсликларда комбинаторка элементлари, математик статистика, эҳтимоллар назарияси элементларидан маълумотлар берилмаган. Ривожланган ғарб мамлакатларида эса бу фанлар бошланғич синфларданоқ мустақил дарс сифатида ўқитилади. Чунки бизнес — бу тавакалчилик демакдир, тавакалчилик қилиш учун эса эҳтимоллар назариясидан пухта хабардор бўлиш керак.

Ўзим ўқитаётган мактабда ўқувчиларга қўшимча дарсларда эҳтимоллар назариясидан мисол ва масалалар ечдириб бораман. Лекин ўқувчиларни қизиқтиришга қанчалик уринмай кўзланган натижага эришиб бўлмаяпти. Чунки бу фандан на дарслик, на дарс режаси мавжуд. Шунинг учун ўрта мактаблар, лицейлар ва гимназия, коллежларнинг юқори синфлари учун математик олимларимиз эҳтимоллар назариясидан 36—40 соатга мўлжалланган дарслик яратсалар ва бу дарсликда комбинаторка элементлари, математик статистика ҳам мисол ва машқлар берилиб, давлат тест синови саволларига ҳам киритилса, яхши иш бўларди. Ўшанда ёшларимизга математика фанининг улар келажагида муҳим ўрин тутадиган яна бир томони билан таништирган бўлардик.

Абдуҳолиқ МАХАТОВ, Хатирчи туманидаги 40-ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси

ХАБАРЛАРИ

МУЛОҚОТ

Тошкент молия институтининг иқтидорли талабалари иштирокида институт ректори билан етук малакали мутахассислар тайёрлаш, Ватанга, эл-юртга садоқатли кишилар бўлиб етишишлари, бугунги талаба олдидаги масъулият каби фикрларнинг очиқ мулоқоти бўлиб ўтди.

Йиғилишда талабалар ўз-ўзини бошқариш тартибини яратиш, ҳар бир талаба ўзини англаши, баҳолаши, мустақил фаолият кўрсата олиши бугунги куннинг талаби эканлиги алоҳида таъкидланди.

Қизиқарли мулоқот сўнгида академик М. Шарифхўжаев талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Институтда анъанана тусига кириб қолган бундай учрашувлар талабаларда янгича таассурот қолдириб, замонавий илм-фан сирларини янада пухтароқ эгаллашларига ижобий таъсир кўрсатиши аён.

Лазиз ЗОЙИРОВ

«РИЁЗИЁТ» БАҲСИ

Яккабоғ туманидаги 62-ўрта мактабда буюк сиймо ва қомусий олим Ал-Хоразмий хотирасига бағишланган. «Риёзиёт» баҳси ўтказилди. Унда мактаб ўқувчиларидан иборат «Ал-Беруний ва «Ибн Сино» гуруҳлари бешта шарт бўйича баҳслашдилар. Ўзгача руҳ ила ўтган беллашувда ўқувчиларнинг «Ал-Беруний» гуруҳи юқори бал тўплаб, ғолибликни қўлга киритдилар.

Эркин УЗОҚОВ

МУРАББИЙЛАР КЕНГАШИ

Термиз Давлат университетида узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган профессор-ўқитувчилардан ташкил топган мураббийлар кенгаши бўлиб ўтди.

Университет ректори, академик Н. Тўраев кенгашни очиб, мураббийларни кенгаш дастури, иш режаси билан таништирди, унинг вилоят халқ хўжалигига малакали мутахассислар етказиб бериш соҳасидаги вазифалари тўғрисида батафсил гапирди.

Сўзга чиққан Х. Холиёров, Ш. Саматов, Н. Сариев, А. Қулматов каби мураббий олимлар кенгашнинг ташкил қилиниши ҳозирги пайтда айни муддао эканлиги бу тадбир, албатта, яқин келажакда ижобий самарасини беришини қайд этдилар.

БОЗОР ал-АМИН

ХАБАРЛАРИ

СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Республикамизда янги турдаги ўрта махсус ўқув юртларини ташкил этилиб, уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича ҳам ҳаракатлар қилинмоқда.

Яқинда Жиззах давлат педагогика институтида ҳам ушбу ўқув меҳнатларида иқтисодий билимлар бериш борасида «Янги турдаги таълим муассасаларнинг ишини ташкил қилиш ва ривожлантириш» мавзусида семинар-кенгаш ўтказилди. Ушбу тадбирда Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Г. Субҳонова, таълим муассасалари раҳбарлари ва илмий бўлим мудирлари иштирок этишди. Семинарда бешта машғулот кузатилиб, қизғин муокама қилинди. Институт қошида ташкил этилган лицей директори М. Зокиров рейтинг усулида баҳолаш ва лицейда олиб борилаётган ишлар тўғрисида маъруза қилди.

МУХБИРИМИЗ

АВВАЛО, СТАНДАРТ ЗАРУР

(Боши 1-бетда)

га кўра ўз вақтида иккинчи поғонадаги ўқишни ташкил этиш имкони бўлмади, аммо бу ишларни янги «Таълим тўғрисида»ги Қонунда кўзда тутилган ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларида қўлланиши лозим бўлган, аввалги ҳунар-техника билим юртлари режаларидан фарқ қиладиган, касб-ҳунар ва ўрта махсус таълим талабларини мужассамлаштирган янги ўқув режалари ва дастурларини тузишдаги илк қадамлардан бири десак янгилишмаймиз.

Маълумки, мамлакатимизда замон талабларига жавоб берадиган, баркамол, юқори малакали, янги дунёқарашга эга кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий асослари ва уларни амалга оширишнинг аниқ йўллари белгилаб олинди. Ушбу ҳужжатларни амалга ошириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Биз ушбу режага асосан биринчи навбатда мазкур ҳужжатлар моҳиятини ҳар бир педагог ходим дилдан англаб етиши, ўқув юртидаги ҳозирги таълим жараёнига қўйилаётган талабларга жавоб бера олиши, мос келмайдиган тарафлари, уларнинг таҳлили, педагогик кадрлар малакасини ошириш, янги юқори малакали кадрларни ишга жалб қилиш, янги, ўқув режалари ва дастурлари устида ишлаш, ўқув юрти моддий-техника базасини янгилаш, ўқув жараёнига илғор ўқув юртлари, шу жумладан, чет эл педагогик технологиялари асосида янгиликлар киритиш ва бошқа кўпгина ишлар бўйича вазифаларни белгилаб олдик ва уларни бажаришга киришдик.

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти билан келишган ҳолда ўқув устахоналаримиздаги дастгоҳларни таъмирлаш, эскирганларини алмаштириш бўйича ишларни бошладик. Ўқув биноси, устахона, спорт зали ва бошқа объектларимизни капитал таъмирлаш учун смета ҳужжатларини тайёрлаб қўйдик.Ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган компьютерлар олишни мўлжаллаяпмиз. Етишмаётган бошқа жиҳоз ва ускуналар учун рўйхат тайёрлаб шаҳар халқ таълими бош бошқармасига юбордик.

Касб маҳорати даражаларини кўтариш мақсадида 5 нафар ходимимиз, корхонамизнинг илғор техника ва технологиялар билан жиҳозланган бўлинмаларида малакаларини ошириб қайтдилар. Февраль ойида яна 6 кишини шу мақсадда оталиқ корхонамизга юборяпмиз. Шундай қилиб ўқув юртимизни ўрта махсус, касб-ҳунар коллежига айлантириш тайёргарлик бўйича муайян ишлар бошланган. Лекин, олдимизда ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. Ўқув жараёнини ҳозирги замон талабларига мос ўқув жиҳозлари, асбоблар ва материаллар билан етарли таъминлаш учун педагог ходимларни топиш, уларни ишга қабул қилиш, янги ўқув режаларини ва дастурларини тузиш, ўқув юрти ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимини қайта кўриб чиқиш шулар жумласидандир. Бу масалаларни юқори ташкилот ёрдами билан босқичма-босқич амалга оширамиз, деган умиддамиз.

«Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»да кўрсатилган муддатларда ўқув юртларимизнинг фаолиятини замон талабига мослаштириш учун тегишли таълим йўналишлари бўйича стандартларни тезроқ ишлаб чиқиш муҳимдир. Чунки таълим стандартлари талаблари бўйича, ўқув режалари ва дастурлари, улар асосида ўқув юртининг ўқув-моддий базасини ташкил этиш учун лозим бўлган ўқув-техника воситаларини, асбоб-ускуна (дастгоҳ) ва бошқа жиҳозларнинг илмий асосланган меъёрий рўйхатлари тузилади. Бу ҳужжатлар асосида ўқув юртларининг моддий-техника базаси таҳлил қилиниб, етишмаётган асосий жиҳозларнинг аниқ рўйхатини тузиш мумкин. Кейинги иш маблағ ажратиш ва таъминот ходимлари фаолиятига боғлиқ булади.

Ўқув юртларига келтириб ўрнатилган қимматбаҳо ўқитиш техника воситаларини, дастгоҳларини ва бошқа ускуналарни муҳандислик талаблари асосида ўз вақтида таъмирлаш, бунинг учун керакли эҳтиёт қисмларни ажратиш, уларга техник хизматнинг бошқа турларини кўрсатишни ҳозирдан ҳал қилиш керак. Акс ҳолда, кўп жойларда бу ускуналар узоқ ишламай носоз аҳволга тушиб қолиши мумкин. Шунинг учун юқорида айтилган меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда, таълим соҳасидаги мутахассислар билан ваколатли муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг мутахассислари иштирок этиши мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

К. ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент авиасозлик касб-ҳунар лицейи директори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА

(Боши 1-бетда)

гуруҳлари ташкил этилади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ушбу фикрни тасдиқловчи кўплаб далилларга эга.

Абдували Йўлдошев ва Толиб Мамажонов бошчилигидаги шундай босқинчи гуруҳлардан бири 1994-97 йиллар мобайнида Наманган вилоятида бир қатор ўта оғир жиноятларни содир этган. Дастлабки тергов жараёнида аниқланишича, мазкур гуруҳ аъзолари Покистон ва Афғонистонда махсус тайёргарликдан ўтишган, Тожикистондаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган, ваҳобийлик ғояларини тарғиб этиб, Ўзбекистонда конституциявий ҳокимият органларини зўрлик йўли билан ағдариб ташлаш лозимлигини очиқдан-очиқ эълон қилишган.

Бундай экстремистик кучларнинг Покистон қонунларига зид ҳолда амалга ошираётган фаолияти тегишли ҳукумат идоралари томонидан назорат қилинмасдан қолмоқда, деган мулоҳазалар Ўзбекистонда вужудга келмоқда.

Ўзаро ҳурмат ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, бирбирларининг ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланган икки томонлама Ўзбекистон-Покистон алоқалари ривожланаётганини таъкидлаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қайд этилганлардан Покистон ҳукуматини хабардор этишни лозим, деб билди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги дўст Покистон ҳукуматига мамлакатда амал қилаётган қонунлар доирасида мазкур салбий кўринишларнинг олдини олиш учун амалий чора-тадбирлар кўришни сўраб мурожаат қилди. Покистон томони бундай хавотирланишнинг сабабларини англайди, деб умид қилинади.

Ўзбекистон томони юқорида зикр этилган экстремистик фаолият тўғрисида Покистон томонидан превентив маълумотлар тақдим этилишини эзгуният изҳори сифатида баҳолаган бўлур эди.

Юқорида келтирилган фактлар баён қилинган Нота Покистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Шаҳриёр Рашед орқали ушбу мамлакат Ташқи ишлар вазирлигига юборилди.

(ЎзА)

«МАЪРИФАТ» МАСЛАҲАТХОНАСИ

Саволларга Республика халқ таълими вазирлиги режа ва молия Бош бошқармаси бошлиғи муовини А. Акромов жавоб беради:

? ? ?

Мен тренер бўлиб бир ставкада маош билан ишлайман. Ойлик маошим 600 сўмни ташкил қилар экан. Маълумотим олий. Менга иш ҳақи тўғри белгиланганми?

Тўлаган **НОРҚОБИЛОВ**
Сурхондарё вилояти Шурчи туманидаги Олатемир жамоа хўжалиги

! ! !

Узбекистон Республикаси Давлат спорт қумитаси томонидан тасдиқланган, Молия ва Меҳнат вазирликлари билан келишилган 1996 йил 8 май 516-сонли иш ҳақи тулашнинг ягона тариф сеткаси ва Вазирлар Маҳкамасининг тариф коэффициентларига киритилган узгаришлар ҳақидаги 1997 йил 8 май 233-сонли қарори асосида болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тренерларининг бир ставка учун ойлик иш ҳақлари 1 июлдан (10 разряд) 2826 сумни ташкил қилади.

? ? ?

Лицей-интернатлардаги ётоқхоналарда тунги навбатчилик қандай ташкил қилиниши керак? Бу навбатчилик учун ҳақ тўлаш тартиби қандай?

Лицей-интернат маъмурияти ўқитувчи ва тарбиячиларнинг дарс соатлари ва тарбиячилиги (куни узайтирилган гуруҳлардаги тарбиячилиги)дан ташқари ҳеч қандай қўшимча ҳақ тўламасдан яна ётоқхонада тунги навбатчиликда қолишини талаб қилишга ҳақлими?

Лицей-интернат ўқитувчи ва тарбиячилари дарс ставкалари учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 50 фоиз қўшимча ҳақ олишади. Эҳтиёж йўқлиги сабабли лицей-интернат ётоқхонаси иши тўхтатилса, яъни лицей одатдаги лицейга айлантирилса, ўқитувчи ва тарбиячиларга тўланадиган 50 фоиз қўшимча ҳақ бекор қилинадими?

Ҳусинбой БОЛТАЕВ,
Хоразм вилояти Дружба шаҳар ХТБга қарашли 1-лицей-интернат ўқитувчиси

! ! !

1998 йил 1 январидан жорий қилинган янги намунавий штатлар жадвалига мувофиқ, лицей-интернатларда кечки навбатчилар тарбиячи ёрдамчиларидан тайинланади. Ҳар бир ётоқхонадаги 150 болага 2 навбатчи, агар болалар сони 150 дан ошиқ бўлса, ҳар 150 болага қўшимча 2 та бирлик ажратилади.

Уларнинг иш ҳақлари тартиби шундай: тунги иш вақти учун (22.00 дан 6.00 гача) қоровулларга, навбатчиларга ва бошқа ишчиларга иш вақти ҳар бир соатининг тариф ставкаси миқдорининг 50 фоизи ҳисобида қўшимча ҳақ тўланади. Навбатчилик маъмурият томонидан тасдиқланган график ёки буйруқ асосида тайинланади. Лицей-интернатларда асосий штатда ишлайдиган навбатчилар айрим сабабларга кура ишга чиқмай, бошқа навбатчилар тайинланиши мумкин ва уларга белгиланган тартибда иш ҳақи тўланади.

Агар лицей-интернат маълум сабабларга кўра оддий лицейга айлантирилса, унда 50 фоиз қўшимча иш ҳақи тўланмайди. Оддий лицейларда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 сентябрь 490-сонли қарорига асосан, ҳар бир педагог ставкасига 20 фоиз қўшимча ҳақ тўланади.

? ? ?

Мактабда хизматчиман. Эрталаб 7.30 да бораман, кеч соат 3-4 ларда қайтаман. Ҳар куни 9 соат ишлайман. Ортиқча соатлар учун бизга иш ҳақи тўланадими?

Мен ишлаб турган мактабнинг номи 1 май деб юритиларди. Уни бекор қилишиб, бошқа бир кишининг номини қўйишди. Бунга кимлар рухсат бериши керак?

Қилич ҚЎЙЛИЕВ
Қашқадарё вилояти

! ! !

Мактаб хизматчилари ҳафтасига 40 соат ишлашлари керак. Ортиқча ишлаган соатлари учун уларга иш ҳақи тўланмайди.

! ! !

Қ. Қўйлиевнинг иккинчи саволини вазирликнинг умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бош назоратчи-услубчиси Т. Салимов шундай шарҳлайди:

Бу борада мактаб маъмурияти дастлаб маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида ташкил этилган топонимик комиссияларга мурожаат қилади. Ўз ўрнида бу комиссиялар Узбекистон топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи республика комиссияси билан келишишлари лозим.

АНЪАНАНИНГ ИЛК ЎЧОҒИ

Халқимизнинг хотираси айлантириш ажойиб номларга бой. Бутун жаҳонга машҳур бўлган Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, ат-Термизий, Улуғбек, Навоий ва бошқа кўпгина алломалар маънавияти кенг ва айни вақтда қисмати оғир бўлган сиймолардир. Буюк аждодларимизнинг улуғ номлари халқ хотирасида муносиб давом этишга лойиқдир.

Ҳозирги даврда она тарихимизда, айлантириш ноёб ва бой маданий меросимизга бўлган қизиқиш ниҳоятда ортиб, қарашларимиз кескин ўзгармоқда. Бу табиий ҳол. Чунки ўзлигини ҳурмат қилган ҳар бир халқ ўтмишини ўрганади, муаммолар туғилганда ундан сабоқ олади, жавоб излайди.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда «Амир Темур ким?» ёки «Алишер Навоий, Бобур ким?» деган саволлар туғилиши, шубҳасиздир. Демак, болаларга бу каби улуғ сиймоларимиз ҳақида маълумот бериш шарт ва лозим. Лекин қандай қилиб? Бу муқаддас ишни амалга ошириш йўллари кўп, албатта. Уларнинг энг тўғри ва асосийларидан бири бу ишга фарзандларимиз улғайишини, «ақли кириши»ни кутиб турмай, улар мактаб ёшига етмасданоқ киришишдир. Ўзбек халқининг маданиятини, урф-одатларини, расм-русумларини боғчаларда ўргатиш яхши натижа бермоқда. Фарзандларимиз ўзбек миллий қўшиқ, эртак, топишмоқ, мақол ва маталларини, ўйинларини ўрганиш, миллий урф-одат ва анъаналарни ўзлаштиришга интилмоқдалар. Боланинг ёшлигидан ўрганганлари унинг учун бир умрлик хазинага айланади. Болалар боғчаларидан бошлаб ўша миллий қадриятларимизни жажжиларга сингдириш эса, уларнинг умрбоқийлигини таъминлайди.

Жиззах туманидаги «Лола», «Шодлик», «Ғунча», «Гўзал» болалар боғчаларида бу борада талайгина ишлар қилинмоқда. Мазкур боғчаларда «Маънавият ва маърифат» бурчаклари ташкил қилинган. Бу ерда буюк алломалар суратлари, турли машғулот ишланмалари, ўзбек халқ эртаклари тасвирланган расмлар, ҳадислар, «Ўзбекистоннинг миллий байрамлари» китоби, турли кўргазмали қуролларнинг мавжудлиги фикримизнинг далилидир. Маълумки, инсоннинг маънавий камолотида бадиий адабиётнинг роли жуда катта. Тарбия жараёнида инсоният яратган илм хазиналарининг дурдоналаридан таъсирланиш мумкинлигини қайд этмоқ жоиздир. Бадиий ижод намуналари болаларни маънавий бойитибгина қолмай, уларда одоб-ахлоқ миёрларини ҳам таркиб топтиради.

Халқимизда «Бола бошидан» деган ажойиб нақл бор. Ҳақиқатан ҳам маънавий баркамол инсон оилада шакллана бошлайди. Шундай экан, маънавият ва маърифат ишлари, энг аввало, оилада рисоладагидек йўлга қўйилиши лозим. Шунинг учун юқорида номи келтирилган болалар боғчаларида ота-оналар билан ишлаш, уларнинг оилавий аҳволини ўрганишга катта эътибор берилган.

Истиқлол туфайли гуллаб-яшнаётган ҳаётимизда барчамизнинг мақсадимиз фарзандларимизни оқил инсонлар қилиб етиштиришдир. Зеро, соғлом авлод жамиятимиз бойлиги ва келажагимиз ишончидир.

К. ЭГАМҚУЛОВА,
Жиззах вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти ходими

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

«Педагогик тестларнинг ижодкор муаллифи» Республика танлови

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази тест жамғармасини сифатли шакллантириш, юқори малакали тест тузувчиларни аниқлаш учун қуйидаги ўқув фанлари буйича 1998 йилнинг «Педагогик тестларнинг ижодкор муаллифи» Республика танловини эълон қилади.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахслар қуйида кўрсатилган муддатда ҳар бир фан буйича 100 дан кам булмаган миқдорда тузилган тест топшириқлари қўлёзмасини Давлат тест марказига юборишлари лозим:

— Она тили ва адабиёти (узбек, қорақалпоқ, рус тиллари);
— Математика;
— Физика;
— Кимё;
— Биология;
— Тарих;
— География;
— Чет тили (инглиз, немис, француз тиллари).

Ҳар бир тест топшириғи ўрта мактаб дастури асосида тузилган булиб, унинг бешта жавоби булиши, жавоблардан фақат биттасигина тўғри ва тўғри жавоб биринчи ўринда ёзилиши зарур.

Танлов иштирокчилари алоҳида қоғозда ўзи ҳақидаги маълумотлар:

— Иш ёки ўқиш жойи, эгаллаб турган лавозими;
— Яшаш жойининг тўлиқ манзили ёзилиши лозим.

«Педагогик тестларнинг ижодкор муаллифи» ғолиблари учун қуйидаги миқдорда пул мукофоти жорий қилинди:

— биринчи ўрин учун 3500 сўм.
— иккинчи ўрин учун 2500 сўм.
— учинчи ўрин учун 1500 сўм.

Бундан ташқари танлов ғолиблари билан Давлат тест маркази ўртасида меҳнат шартномаси тузилади ва ҳар бир тест учун маълум миқдорда пул тўланади. Улар тузган тест топшириқлари марказнинг тест топшириқлари марказнинг тест банк жамғармасига киритилади.

Танлов иштирокчиларининг қўлёзмалари муаллифларига қайтарилмайди.

Танловда иштирок этишга шошилинг!

Танлов муддати 1998 йилнинг 1 апрелигача давом этади.

Манзилимиз: 700100, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси 22-А уй,

Давлат тест маркази.
Маълумот учун телефонлар:
55-95-73, 55-67-83

Андижон вилояти Асака шаҳридаги 9-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Мавлудахон Раҳматуллаева 27 йилдан буён ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқда. У ўзининг ҳалол меҳнатлари эвазига бир неча марта Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланган.

Суратда: олий тоифали ўқитувчи Мавлудахон Раҳматуллаева янги дарсга тайёргарлик кўрмоқда.

Адҳамжон АБДУРАҲИМОВ олган сурат

ЎҚУВЧИНИНГ БЎШ ВАҚТИ 160 КУН

УНДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУР

(Боши 1-бетда)

лигини ота-оналар ва ўқитувчиларимиз ўртасида тарқатилган анкетадан аниқланди.

Шуниси қизиққи, баъзан ўқувчининг телевизор, кино кўриши, бадиий адабиёт ўқиши кўчадаги фаолияти фақат бўш вақт ҳисобида бўлиб қолмасдан, балки дарсга тайёрланиш, уй вазифани бажариш ҳисобига амалга оширилар экан.

Бундай ҳолда ўқувчилар «бу фандан баҳо олганман», «ўқитувчи сўрамайди», «бу фандан уч баҳо ҳам бўлади» қабилида иш тутадилар. Бунинг асосий сабаби айрим ўқитувчиларнинг ўқувчилар билимини уй топшириқларини мунтазам ва изчил текшириб бормаслигидадир. Кўриниб турибдики, ўқувчининг 5-6 соатлик шахсий бўш вақти нотекис тақсимланар, кундалик режимга риоя қилмаслик натижасида ёшлар ижтимоий-фойдали, оммавий ва турли хил тўгараклар ишига кам вақт сарф қилар экан. Муҳими болада бўш вақтни тўғри тақсимлаш ва сарфлашга, ундан мақсадли фойдаланишга кўникма ҳосил этиш зарур. Бу ўз навбатида ҳар бир минут ва соатдан тежамкорлик билан фойдаланиш каби хусусиятларни тарбиялайди.

Ўқувчига таълим-тарбия беришни дарс жараёнидагина эмас, балки болаларнинг ўқишдан ташқари вақтларини ташкил қилиш орқали ҳам амалга ошириш зарурлиги ҳар бир мактабнинг дастурида ҳам алоҳида таъкидланган. Шундай экан, мактаб таълим-тарбия маскани сифатида ўқувчининг барча фаолиятига ота-оналар билан ҳамкорликда раҳбарлик қилиши ғоят муҳимдир.

Мактабимизда спорт тўгараклари ва қизиқарли ўйинлар, адабий-бадиий кечалар ташкил қилиш билан ўқувчилар бўш вақтларини тўғри ташкил қилишда педагогларимиз ҳамкорликда ишламоқда.

Ўқувчининг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш кўп жиҳатдан ота-оналар фаолиятига ҳам боғлиқ. Афсуски, барча ота-оналар, болаларнинг бўш вақти замон талаби асосида ташкил қилишни тўғри тушуниб етмайди. Улар ўз фарзандларини аяб, ўқиш ҳамда дарс тайёрлаш билан бандлигини рўкач қилиб, уй-рўзғор ишлари, ўз-ўзига хизмат қилиш каби меҳнатнинг оддий турлари билан шуғулланишга монелик қиладилар. Айрим оналар «ўқишдан чарчаб келгансан, дамингни ол, ўйнаб кел, телевизор кўр, радио эшит, ҳамма ишни ўзим қилиб қўяман», дея иш тутиб фарзандларини бўш вақтдан нотўғри фойдаланишга одатлантиради. Натижада болада ялқовлик, худбинлик, меҳнат аҳлини ҳурмат қилмаслик каби салбий хусусиятлар вужудга кела бошлайди. Кўпинча уйқуга ажратилган вақтдан юқори синф ўқувчилари унумли фойдалана олмайдилар (кам ухлайдилар). Болаларнинг уйда ва мактабда кундалик режимга қатъий риоя қилмаслиги, уларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Бўш вақни бошқаришда ва унга педагогик жамоа мактабдан ташқари жамоалар, фуқаролар кенгашлари биргаликда кўп ишларни ҳамкорликда иш олиб боришлари керак.

Б.РЎЗИҚУЛОВ,
Ғузор туманидаги Ш.Шарипов номидаги ўрта мактабнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Тайванга тегишли тайёра пойтахт Тайпе яқинидаги халқаро тайёрагоҳга қўниш давомида ҳалокатга учраган. Тайёрада икки юзга яқин йўловчи бўлган. Қутқарув ишлари давом этаётган бўлса-да, омон қолганларни топиш эҳтимоли жуда оздир.

* * *

БМТ мутахассислари гуруҳи Боғдоддаги Президент саройларини харитага тушира бошлаган. Ушбу иншоотлар БМТ билан юзага чиққан можаронинг асосий сабабларидандир. Ироқ раҳбарияти миллий хавфсизлик нуқтаи назаридан бу иншоотларга БМТ назоратчиларини қўйишдан бош тортиб келмоқда.

* * *

Ҳиндистонда умумий сайловларнинг биринчи куни ўз ниҳоясига етган. Расмий маълумотларга кўра, сайловлар нисбатан тинч шароитда ўтган.

* * *

Янги Зеландия Ироққа қарши Вашингтон сиёсатини ёқлаган сўнгги давлат бўлган. Янги Зеландия ҳукумати Форс кўрфазига икки жосуслик учоғи юборишга қарор қилган. Аввалроқ Британия, Олмония, Португалия, Испания, Австралия, Канада ва Польша давлатлари Ироққа қарши ҳарбий зарбаларни ёқлаган эдилар.

«ВВС» (Лондон)

* * *

Франция Президенти Жак Ширак Ироқ жанжали ҳал этилишида воситачилик қилиш ташаббуси бўйича сешанба куни Парижда Ироқ Ташқи ишлар вазири Муҳаммад Сайид ас-Саҳаф билан учрашиши режаланган.

* * *

Бундан ўн икки кун олдин рўй берган зилзиладан жиддий зарба кўрган Афғонистоннинг Шимолий-Шарқий қисмида ёш болаларни қизамиқдан эмлаш компанияси бошлаган.

* * *

Эрон Ташқи ишлар вазири Камол Хоразмий Ироқ бўҳрони ҳал этилиши учун дипломатик бир чора топиш ташаббуси бўйича БМТ Бош котиби Кофи Аннан Боғдодга бориши керак деган.

* * *

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретари Кофи Аннан Ироқ бўҳронини ҳал қилиш ташаббуси бўйича Боғдодга боришига йўл қўйиб бериши учун АҚШ га келтирилаётган тазйиқ кучайтирилмоқда.

«Америка овози» (Вашингтон)

ҲУНАР-ТУҒАНМАС ХАЗИНА

Энг муҳими, ўрта поғонада янги ташкил қилинаётган ўқув муассасаларининг олдинги ўқув босқичи умумтаълим мактаблари ва кейинги поғонада турган олий ўқув юртлари тизими билан узлуксиз алоқа ва муносабатларини таъминлаш ҳамда замон талабига жавоб бериш масалаларига алоҳида эътиборни қаратиш даркор.

И. КАРИМОВ

ГЕОГРАФИЯДА КАСБ ТАНЛАШ

Фақат ўз касбини тўғри танлаган ва севган инсонгина давлатимиз, жамиятимизнинг иқтисодий ва маданий ривожланишига салмоқли ҳисса қўшади. Биз мактабда ўқувчиларни касбга йўналтириш жараёнида Навоий вилояти ва Навоий шаҳридаги турли-туман мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олишга ҳаракат қиламиз. Ҳозирги пайтда вилоятда 282 нафар ўқитувчига, 255 нафар қурувчига, 125 нафар турли йўналишдаги чилангарлар, 90 нафар муҳандис, 68 нафар электр-газ пайвандловчи ва 23 нафар тиббиёт мутахассисларига эҳтиёж сезилмоқда. Шунингдек, бозор иқтисодиёти муносабати билан зарур бўлиб қолган дилер, менежер, фермер, деҳқон каби касб эгаларининг кераклилиги диққат-эътиборда бўлади.

Мактабимизда V—VII синфларда тиббиёт, табиий география, материклар ва океанлар географияси, Туркистон табиий географияси, Узбекистон табиий географияси фанлари ўрганилганда ўқувчилар диққатини табиатда мавжуд бўлган куч-қувватга, у билан боғлиқ бўлган турли элементлар асосида меҳнат қилаётган кишилар ва уларнинг касб-корлари ҳақида маълумот берилади.

Ер қимирлашлар, вулқонлар, гейзерлар, сув, шамол, тупроқ, ўсимлик, ҳайвон ва ҳоказоларнинг узвий ҳолатда атроф-муҳитга ижобий ва салбий таъсири ўрганилиб, геолог, вулқоншунос, гидротехник, метеоролог, тегирмончи, электрик, деҳқон, фермер, тупроқшунос, ботаник, зоолог, табиатни муҳофаза қилиш муҳандиси каби юзлаб касблар ҳақида ўқувчилар онгида тасаввур пайдо қилиш ва уларни касб танлашга тайёрлаш имконияти мавжуддир.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси курсидан 8-синфда сабоқ берганда касбга йўналтириш ишини исталган даража ва миқдорда олиб бориш.

Ҳозирда қишлоқ жойларида «фермер», «деҳқон» хўжаликларини ташкил этиш муҳим масала. Эндиликда деҳқон бир вақтнинг ўзида сувчи, ҳам боғбон, ҳам механизатор, ҳам гидротехникдир.

Ер ҳосилнинг онаси бўлса, сув отасидир. Деҳқон ер юзасининг нишаблиги, тупроқ шароитини ҳисобга олган ҳолда сув қуйиш усулини танлайди. Суғориш меъёри ва муддатини белгилайди. Деҳқон йилнинг тўрт фасли давомида тиним билмайди. Ерни шудгорлаш, яхоб бериш, ҳайдаш, текислаш, экиш, суғориш сингари пешона тери тўкдирадиган меҳнат деҳқонни улуғлайди. Энг муҳими, ҳозир Орол муаммоси кўндаланг бўлиб турган бир пайтда сув танқислигининг олдини олиш учун сувни тежаб, тупроқда намни узоқроқ сақлаш йўлларини излашга тўғри келади.

Деҳқон зироатчилик назарияси ва амалиётини яхши билиши, агрокимё, механизация, гидротехника ва гидромелиорациядан хабардор бўлиши керак. Бозор иқтисодиёти ва бозор муносабатларининг нозик томонларини ўрганишга тўғри келади.

Деҳқон, фермер ўз билимини, малакасини Тошкент, Самарқанд, Қарши, Бухоро, Нукус сингари шаҳарлардаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиб ошириши мумкин.

«Бинокорлик ва қурилиш саноати мажмуи» мавзусини ўрганиш жараёнида қурувчи касбини шундай таърифлаймиз:

Дунёдаги энг қадимги касбларидан бири қурувчи касбидир. Сиз билан биз яшайдиган уйлар, ўқийдиган мактаб қурувчи меҳнатининг маҳсули. Унинг нозик қўллари билан Бухоро, Хива, Самарқанд, Тошкент, Қўқон каби шаҳарларда яратилган тарихий обидалар, авлодларга қолдирилган буюк меросдир.

Бундан ҳам олижаноб касб борми дунёда. Одамлар учун турар жой, маданий-маиший бинолар, завод ва фабрикалар, мактаб ва тиббиёт хоналари қурган қурувчиларга қарата: «Қўлингиз асло дард кўрмасин!» деймиз.

Ўзбекистоннинг ижтимоий ва иқтисодий географиясининг туманлар қисми ўтилаётганда уларнинг ҳар бирига хос бўлган касб-ҳунарлар ҳақида гапириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунончи, Фарғона иқтисодий ҳудуди мавзуси ўтилганда, Марғилон атласчилари, Риштон кулолчиларига, Бухоро, Навоий иқтисодий ҳудуди зардўзлик, кулолчилик, чорвачилик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, заргарлик ва мисгарлик каби касбларга таъриф бериш ўқувчиларда шу касбларга нисбатан яхши таассурот қолдириши мумкин.

Мактабимизда мустақиллик йилларида 9—11-синф битирувчиларидан 120 нафари деҳқончилик, 36 нафари паррандачилик, 54 нафари тикувчилик, 15 нафари муҳандислик, 17 нафари тиббиёт ходими, 32 нафари қурувчилик, 10 нафари эса ўқитувчилик касбларини танлаб олганлар. Касбга йўналтириш жуда мураккаб жараён бўлиб, ота-она ва жамият олдида турган энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммо ҳисобланади. Бу муаммонинг тўғри ва ўз вақтида ечилишида география фани ўқитувчилари ўзларининг ҳиссаларини қўшишлари зарур.

Ҳамро ҚУРБОНОВ,
Навоий шаҳар А. Қодирий номидаги 3-ўрта мактаб директори,
Майрам ҚУРБОНОВА,
Навоий шаҳридаги 19-ўрта мактаб география ўқитувчиси

Xalq hunarmandchiligi

СЕҲРЛИ ҚЎЛЛАР

Бизнинг ўзбек миллий меросимиз жуда бой ва қадимий ҳисобланади. Ота-боболаримиз азал-азалдан халқ амалий санъати билан шуғулланиб келганлар. Улар қолдирган кўплаб ноёб асарларни кўриб, кишининг дили яйрайди.

Халқ миллий амалий санъатидан бири бўлган наққошлик ҳам бу борада алоҳида ўрин тутади. Катта-катта биноларга ишланган мўъжизакор нақш безакларни кўрганимизда, бу нақшлар бинонинг кўркига-кўрк қўшиб турганининг гувоҳи бўламиз. Турли кичик буюмларга ишланган нақш безакларини кўриб эса кишининг баҳри-дили очилади. Уста наққошлардан Қодиржон Ҳайдаров, Маҳмуджон Усмонов, Саидаҳмад Маҳмудов ва бошқа кўплаб санъаткорлар ҳозирги кунда ўзбек миллий амалий санъатининг ривожига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳеч ким ўз касбининг устаси бўлиб туғилмайди, албатта. Бунинг учун ўқувчилик чоғидан бошлаб тинмай ўрганиш, кўпроқ ўқиш керак. Наққошлик санъатига ҳам кўпгина ўқувчи ёшларимиз қизиқишади. Шундай ўқувчиларимизга бу санъат сирларини ўргатиш мақсадида кўпгина муассасаларда турли тўгарак ва студиялар ташкил қилинган. Шулардан бири пойтахтимиздаги Шаҳар қўшимча таълим комплексида ишлаб турибди. Алфия Мамбетова раҳбарлигидаги «Наққошлик» студиясида шаҳар мактабларидан кўплаб ўқувчилар келиб ўқиб ўрганмоқдалар. Алфия ўзи ёш бўлишига қарамай, тинмай изланиб ўқувчиларга наққошлик сирларини ўргатиб келаяпти.

— Бу студиямизнинг асосий мақсади, ота-боболаримиз меросини, улар қолдирган ноёб асарларни қунт билан ўрганиб, ўзбек амалий санъати ва маданиятининг янада юксалишига ҳисса қўшишдир, — деди Алфия Мамбетова. — Мен бу санъатни жуда севиб ардоқлайман. Биз кўпроқ Маҳмуд Тўраев ижодига мансуб асарлардан фойдаланамиз.

Алфия Мамбетова раҳбарлик қилаётган «Наққошлик» студиясида Тошкент шаҳридаги 99-мактаб ўқувчиларидан Алауддин Низомов, Қудрат Қаюмов, 148-мактаб ўқувчиларидан Отабек Ҳамроев, Бобур ва Ботир Мусаевлар фаол қатнашчилардан ҳисобланадилар.

— Биз ўз устозимизни жуда ҳам яхши кўрамиз, — дейишди улар ўқитувчилари ҳақида. — Алфия опадан турли нақшларчизишни ўрганиб олдик. Биз ҳозирча кичик буюмларга: тахтакач, стулчалар, қаламдон ва шу сингари буюмларга нақш чизиб, безаб турибмиз. Катта бўлганимизда катта-катта биноларга нақш чизувчи уста бўлиш орзуимиз бор.

Мўъжиза ҳеч қачон ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки уни инсон ўз қўли билан яратади. Турли буюмларга ишланган ажойиб нақш безакларини кўриб, оддий мактаб ўқувчиси шунчалик чизганига ишонмайсиз. Ҳақиқатан ҳам мўъжиза. Уни эса сеҳрли қўллар яратади.

Биз ота-боболаримиз меросини давом эттириш, ҳамда ўзбек амалий санъати, халқимизнинг маданиятини юксалтириш мақсадида ўқиб, ўрганаётган ўқувчиларимизга ўз орзуларига етишишларини тилаб қоламиз.

Гулчеҳра НАБИЕВА,
услубчи

Оқолтин туманидаги Мирзо Улуғбек номли 7-ўрта мактабда деҳқонларнинг 740 фарзанди таълим олади.

Мактаб жамоаси ўқувчиларни касбга ўргатиш борасида ибратли ишларни амалга оширишмоқда. Масалан, 1997 йилда ўқувчилар устозлари ёрдамида 5 гектар ерга плёнка остига пахта экишди. Ҳосил етиштиришдаги ҳамма меҳнат жараёнларини ўзлари бажаришди. Натижада ҳосил яхши бўлиб, мақсадга эришилди. Мазкур йилда эса улар 20 гектар ерга плёнка остига пахта экишни режалаштиришган. Кўриниб турибдики, келгусида ўқувчилар орасидан механизатор сувчи, агроном, бир сўз билан айттанда етук қишлоқ хўжалиги мутахассислари воя-га етади.

СУРАТДА: Мактаб раҳбари Оқилбек Ёдгоров, меҳнат таълими ўқитувчиси Мурод Ўроқбоевлар 10-синф ўқувчиси Алибек Қироновнинг тайёрлаган ёғоч ўймакорлиги ишлари билан танишишмоқда.

ҲУНАР ҲАҚИДА

Ақл кўпга етказар
Ҳунар — кўкка.

* * *

Илмсизга ишонч йўқ,
Ҳунарсизга қувонч йўқ.

* * *

Йигит ҳусни — ҳунар.

* * *

Тикансиз гул бўлмас
Машаққатсиз — ҳунар.

* * *

Тиккан чевар эмас
Бичган-чевар.

* * *

Текин бойлик ахтаргунча,
Ўзингга боп ҳунар топ.

* * *

Ота касби — давлат касби.

* * *

Юз туман олтиндан ҳунар яхши.

* * *

Юз ҳунарни чала билгандан
Бир ҳунарни тўла бил.

* * *

Юзга кирсанг ҳам ҳунар ўрган.

* * *

Ургаиш бир ҳунар,
Ургатиш — икки ҳунар.

* * *

Ҳунар ошатар
Меҳнат яшнатар.

* * *

Ҳунар бўлса қўлингда,
Нон топилар йўлингда.

* * *

Ҳунар ўргатиш учун ҳам ҳунар керак.

Ўзбек халқ мақолларидан

ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» дан келиб чиқадиган вазифалар, тизимида ўқув юртлари мавжуд бўлган барча вазирликлар қатори Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги ўқув юртлари олдига ҳам ечилиши зарур бўлган бир қанча масалаларни қўймоқда.

Вазирлик тасарруфида тўртта олий, 19 та ўрта махсус ўқув юрти, иккита махсус мусиқа мактаб-интернат, 289 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари мавжуд бўлиб, шулардан олий ўқув юртларида 1600 га яқин талабалар, ўрта махсус билим юртларида 7 мингга яқин, мусиқа ва санъат мактабларида эса 70 мингга яқин ўқувчилар билим олмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида»ги, «Миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қанча қарорларига асосан маданият ва санъат ўқув юртларида сезиларли ишлар амалга оширилди. Мазкур Фармон ва Қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида Миллий рақс ва хореография Олий Мактаби, Эстрада цирк коллежи, йигирмадан ортиқ янги мутахассисликлар ташкил қилинди. Шу билан бирга уларни кадрлар билан таъминлаш, моддий асосини яратиш ва яхшилаш, ўқув услубий ҳужжатларини ишлаб чиқиш каби юмушлар ҳам амалга оширилди.

Ҳозирги кунда Таълим ҳақидаги Қонун ва Миллий дастурда қўйилган вазифаларга мувофиқ таълим мазмунини тубдан илоҳ қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг ишчи гуруҳи тайёрлаган Қарор лойиҳаларига таклифлар киритилди. Хусусан, маданият ва санъат йўналишидаги мутахассисликлар бўйича классификатор янгидан шакллантирилди. Ундан халқ хўжалиги талабларига жавоб бермаётган «Ҳаваскорлик дамли чолғулар оркестри раҳбари», «Ҳаваскорлик хор жамоалари раҳбари», «Ҳаваскорлик халқ чолғулари оркестри раҳбари» ва шуларга ўхшаш бир қанча мутахассисликлар чиқариб ташланиб, уларнинг ўрнига замонамиз талабларига мос келадиган «Китобшунослик ва китоб савдоси», «Архив ва архившунослик», «Автоматлаштирилган информацион тизимнинг кутубхоначи библиографи», «Фольклор-этнографик жамоалар раҳбари», «Маънавий-маърифий фаолият ташкилотчиси», «Реклама ташкилотчиси» ҳамда режиссура, кино ва телевидение соҳаларига оид бир қанча эҳтиёжталаб мутахассисликлар киритилди.

Миллий дастурда белгиланганидек, вазирлик тасарруфидаги олий ўқув юртлари 1995-96 ўқув йилидан бошлаб бакалавр тайёрлаш дастури бўйича иш олиб бормоқдалар. Шу юзасидан бакалавриатнинг 4 йиллик ўқув режалари ишлаб чиқилди. Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги Қарорига асосан барча олий ўқув юртларимизда ушбу ҳужжат қайта кўриб чиқилмоқда.

Узлуксиз таълим тизимини дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 252 сонли «Республика ўқув юртларини замонавий янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш ҳақида»ги Қарорига асосан Вазирликнинг «Энг яхши дарслик ва ўқув қўлланмаси» танлови эълон қилинган эди. Ҳозирги даврга келиб йиғилган қўлёзмалар сони 40 тага етди. Вазирлар Маҳкамасининг шу мазмундаги Қарорига асосан мавжуд қўлёзмалар саралаш босқичларидан ўттандан сўнг мукофот ва нашрга тавсия этилади.

Шу бугунги кунда нашр қилинган тайёр адабиётлар, ўқув методик ҳужжатлар, нота адабиётларини жойларга етказиш муаммолари мавжуд. У ҳам бўлса ўрта масхус ўқув юртлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун Марказ омборида дарслик ва ўқув қўлланмалари бўла туриб, баъзи вилоят маданият бошқармаларида уларни сотиб олишга пул йўқлиги баҳона қилинмоқда. Ваҳоланки ўша мақсадлар учун ажратилган маблағдан ҳам ўтган йили самарали фойдаланилмаган.

Ўзбекистон Олий ва ўрта масхус таълим Вазирлигининг талаба ва ўқувчиларни баҳолаш ва назорат қилишнинг рейтинг тизимига ўтиш тўғрисидаги буйруғига асосан барча олий ўқув юртлари қатори вазирлик тизимидаги ўқув юртлари ҳам бу тизимга ўтди. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу тизим янги бўлганлигидан унга ўтиш ўқув юртларида турлича кечмоқда ва сустлик билан амалга оширилмоқда.

Агар сўзни мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, миллий дастурда олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришга киришдик. Унинг ҳар бир босқичини бажариш учун белгиланган муддатлари мавжуд. Таълим ислоҳотларида шошмасдан, пухта ўйлаб қилинган иш ўз самарасини бериши муқаррар.

Ботир МАТЁҚУБОВ,
Маданият ишлари вазирлиги, Истиқболни белгилаш, услубиёт ва ахборот Республика Маркази бошлиғи

Kasb-hunar ta'limi

МУЖАССАМЛАШГАН ДАРС АҲАМИЯТИ

Ҳозирги кунда таълим-тарбия жараёнида ноанъанавий дарслар кенг қўлланилмоқда. Фарғона шаҳридаги 7-касб-ҳунар мактабида ўтказилган мужассамлашган (интегратив) дарс ҳам ноанъанавий дарснинг бир тури бўлиб, унда чеварчилик касби бўйича «Кийимларни лойиҳалаш»ва «Махсус технология» фанлари биргаликда қўшиб олиб борилди.

Ушбу очиқ кўргазмали дарснинг асосий мақсади касб-ҳунар мактабидаги ёш ўқитувчи-усталарга ноанъанавий дарс ўтказиш бўйича услубий ёрдам бериш, дарс жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усулларини кўрсатиш ва энг муҳими ана шундай мужассамлашган дарснинг келажаги ҳақида фикр юритиш эди.

Мужассамлашган дарснинг — гўзаллик оламига (модалар оламига) саёҳатданбошланди. Ўқувчилардан чиққан экскурсовод, махсус экран орқали хилма-хил фасонда тикилган кийимларни изоҳлаб берди. «Ҳунар, чеварчилик тўғрисида қандай мақоллар биласиз?» деган савол ўртага ташланди ва бунда ўқувчилар фаол иштирок этишди.

Савол-жавоблардан сўнг «Лойиҳалаш» фани ўқитувчиси Холисхон Абдураззоқова уйга берилган вазифаларни сўради. Уйга берилган вазифаларни бажарган қизлар ўқитувчининг саволларига жавоб беришди. «Махсус технология» ўқитувчиси Муҳаббат Холиқова ҳам уйга берилган вазифани сўради: бунда қизчалар бичиб келишган кокетка, енг ва этак қисмларини стендга илишди ва ўқитувчи берган саволларига жавоб беришди.

Сўнгра, «Ёқа турлари, уларни лойиҳалаш» мавзуси баён қилинди, мавзу режаси айтиб ўтилди. Ким қандай жавоб берганини Холисхон опа баҳолаётган пайтида, махсус технология ўқитувчиси дарсни давом эттирди. Махсус стендга уч хил ёқа намунаси осилиб, ўқувчилар ҳар бирига ном қўйишди: ясси ёқа, шол ёқа, қайтарма ёқа. Сўнгра ўқувчиларга перфократлар (тестлар) тарқатилиб. Кимдан сўнг йиғиб олинди.

Ўқитувчи хулоса чиқараётган бир вақтда лойиҳалаш фани давом эттирилди. Махсус айланма экран ёрдамида ёқаларни қандай лойиҳалаш кераклиги кўрсатилди, карточкалар тарқатилди.

«Ким биринчи» номли дидактик ўйинни махсус фан ўқитувчиси Муҳаббат опа бошлаб берди. Мавзу буйича олти тарафига саволлар ёзилган кубик ташланди. Тушган саволга ким биринчи қўл кўтариб, жавоб берса, ўша қатор махсус плакатга ёпиштирилган халтачаларга жавобнинг тўлиқ, тўлиқсиз, нотўғрисига қараб «кулаётган», «ҳайрон» ва «йиғлаётган» қизча расмини олиб, юқори поғонага кўтаради. Ким «кулаётган» қизча расмини юқори поғонага кўтарилса, ўша қатор ғолиб саналади. Бу галги ўйинда 1-қатордаги қизлар кўп очколарни йиғиб олишга муяссар бўлишди.

Сўнгра Холисхон опа ўқувчиларга мустақил ишлашнинг йўл-йўриғини тушунтирди. Қаторларга қараб, ясси ёқа, шол ёқа, қайтарма ёқани лойиҳалаш — мустақил иш берилди. Ўқувчилар мустақил ишлашга киришдилар. Шу пайтда магнитофон орқали денгиз тўлқинларининг овози эшитилди, майин куй садолари остида ўқувчилар илҳомланиб мустақил ишни бажардилар. Тайёр бўлган лойиҳалар стендга осилиб қўйилди ва мавзу савол-жавоб билан мустаҳкамланди.

Дарсга якун ясалди, ўқувчиларга махсус технология ва лойиҳалаш фанларидан олган баҳолари эълон қилинди ва тушунтирилди. Қизлар эса жуда хурсанд бўлишди. Чунки дарс жуда мароқли ва қизиқарли бўлиб ўтди. Буш вақтнинг ўзи ҳам бўлмади, аммо салгина толиқиш сезилди.

Ана шу йўсинда ўтилган мужассамлашган дарсларнинг келажаги бор. Чунки дарс давомида ўқитувчилар навбатма-навбат ўқувчилар мавзунинг турли томонларига жалб этдилар. Биринчи ўқитувчи ишлаган ўқувчилар маълум вақтдан сўнг уни унча қизиқмай эшитади, кузатади ёки машқни бажаради. Иккинчи ўқитувчи иштирок этиши, яъни дарсга кириши билан ўқувчилар маълум вақт ўқув материалининг бошқа томонларини ўрганишга киришадилар. Бу ўз навбатида ўқувчиларда янгича қизиқиш ҳолатини вужудга келтиради. Шу билан бирга мужассамлашган дарсда икки ўқитувчининг иштирок этиши уларнинг услубий жиҳатдан ўзаро тўғрилаб, тўлдириб кетишларига, энг муҳими эса ўқувчиларда ҳар томонлама пухта билим ва касбий иш-ҳаракат сирларининг таркиб топишига имкон яратади.

Б. НУРИТДИНОВ,
Ш. МИРЗААҲМЕДОВА,
республика ХТХМОИ катта ўқитувчилари

Kimyo o'qituvchilariga yordam

КОИНОТДАГИ КИМЁВИЙ ЖАРАЁНЛАР

ҚУЁШДАГИ КИМЁВИЙ РЕАКЦИЯЛАР

Қуёш системасига сайёралар, астероидлар, бўшлиқлардаги газлар киради. Қуёш системасининг вужудга келганига таҳминан беш миллиард йил бўлганлиги тажрибалар ёрдамида исботланган. Қуёш ҳам сайёралару бошқа Коинот жисмлари доимий ҳаракатда. Ойнинг ҳам бир сония тўхтамай осмон узра сузиб юришини ҳар биримиз кузатамиз. Қуёш ўз ўқи атрофида ҳамда Галактика маркази айланага яқин орбита бўйлаб секундига 250 км тезликда айланади. Унинг бир айланиши 200миллион йилни ташкил этади. Қуёшнинг пайдо бўлиши устида турли фикрлар мавжуд бўлиб, ҳақиқатга яқини унинг совуқ ҳолдаги газ-чанг туманлигидан ҳосил бўлганлиги ҳақидаги маълумотлардир. Мазкур туманликнинг асосий қисми водороддан иборат бўлиб, қолган қисми бошқа кимёвий моддалардан иборат. Аста секин моддалар сиқилиб конденсациялашган. Газ булутининг зичлиги нисбатан кичик бўлиб, унинг учинчи юлдузлар туркумига мансублиги фанга маълум. Оддийроқ тилда айтадиган бўлсак унинг ҳосил бўлиши учун сарфланган моддалар уч янгиланиш жараёни маҳсулотлари аралашмасидан иборат деб тушунамиз.

Ҳар бир кейинги юлдуз ўзидан олдинги юлдузнинг тарқаб кетган моддаларини ҳазм қилишини Галактикада оғир элементларнинг йиғилиши исботламоқда. Юлдузлар ёши қанчалик кичик бўлса ундаги оғир элементлар миқдори кўп бўлиши тажрибалар орқали исботланди. Олти-саккиз миллиард йил давомидаги йиғилган субстратлар юлдузларнинг кейинги туркуми учун хомашёлик ролини ўйнайди. Юлдузлар эволюциясида (шу жумладан ўртача катталикдаги юлдуз ҳисобланмиш Қуёш учун ҳам) аниқ йўналишлар исботланган. Шундай йўналишлардан юлдузлар пайдо булишининг конденсацион гипотезаси ҳозирги замондаги аниқ маълумотлардан деб ҳисобланади. Галактикамиз моддасининг асосий массаси юлдузлардир, деб к бул қилинган. Қуёш ва унинг системасидаги ўта мураккаб кимёвий жараёнлар, реакциялар ва ўзгаришлар доимий ўсиб туриши олимлар томонидан ўрганилган. Системадаги транспорт (кучиш) реакциялари дифференцияси муҳим аҳамият касб этади. Қуёш плазмаси совур экан, ундаги темир ва юқори ҳароратли минераллар ҳамда гидридлар йиғилади. Саккиз юз градус Кельвиндан пастда ҳосил бўлган юқори ҳароратли минераллар сув ва олтингугурт билан реакцияга киришадилар. Унда кўп моддалар ҳосил бўлади. Булар орасида гидридлар, сульфидлар, оксид ва гидратланган силикатлар вужудга келади. Кремнийнинг қатор бирикмалари, углерод бирикмалари ва бошқалар ҳамда инерт (асл) газлар Қуёшга яқин жойлардан Юпитер томон сиқиб чиқарилади. Бунда бошқа элементлар бирикмалари физик ташиш механизми ҳамда кимёвий транспорт реакциялари асосида фазога чиқади.

Яна бир мисол келтирамиз. Коинотдаги жисмларнинг бири бўлган Еримиз дастлабки юз миллион йил ичида 6-10^{21} грамм тарқоқ моддаларни атроф-муҳитдан «йиғиб» олиб ҳозирги шаклига келган. Ушбу даврларда аккумуляция тезлиги 10^{14} тоннани ташкил этган бўлиб, бу соатига 10—15 миллиард тонна модда Ерга қўшилиб турди, деган гапдир. Ер атрофидаги моддалар тамом бўлгач унинг «ўсиши» ҳам тўхтаган. Шунга қарамай Еримиз ҳамон ўзида турли чанг, метеорит ва Коинотнинг бошқа заррачаларини ўзлаштириб бораётганлигини ҳаммамиз биламиз.

Қуёш пайдо бўлибдики, унда тўхтовсиз кимёвий реакциялар давом этиб келаяпти. Водороднинг гелийга айланиши ва аксинча реакциялар ҳисобига ажралаётган ҳисобсиз энергия ҳамда нур бутун оламни ёритаяпти, яшнатаётибди. Қуёшда мазкур икки элементлардан ташқари яна 67 элемент мавжудлиги унинг сектридан аниқланган. Унда темир, кальций, магний, углерод, кислород, олтингугурт ва бошқалар борлиги унинг атомлар эмиссион чизиқлари орқали олинган маълумотлардан кўринади. Шунингдек, радикаллар ҳамда бошқа кўпгина кимёвий моддалар борлиги исботланганлигидир. Қуёш тожида барча атомларнинг ионлашганлиги кўринади. Тож ҳарорат 10^6 Кельвинга тенг бўлиб, бир куб сантиметр ҳажмда 10^7 та атом жойлашганлиги ўлчанган. Қуёш тожининг ташқи қатламларидан фазога юқори энергияли заррачалар, жумладан протонлар, электронлар ва бошқалар сочилиб туради ва натижада Қуёш шамоли деб аталувчи оқимни вужудга келтиради. Қуёшнинг Ердан узоқлиги 149597870 километрга тенг бўлиб, массаси бўйича Ердан 330 минг, диаметри бўйича 109 баравар каттадир. Қуёш ҳажмига Еримиздек шарлардан бир миллиондан ортиғини жойлаштириш мумкин. Қуёш ўлчамларига кўра ўртача сариқ митти юлдуз ҳисобланиб, шерикларига нисбатан секундига 20 км тезлик билан ҳаракатланади. Уз ўқи атрофида мунтазам равишда шақдан ғарбга томон айланади, бу тезлиги экваторида секундига икки километрга тенгдир. Қуёш ажратаётган энергия (секундига 4 миллион тонна миқдордаги)нинг бир неча миллиондан бир улушигина Ерга тушади, қолгани Коинотнинг чексиз кенгликларида тарқайди. Мана шу энергия Еримизни яшнатади, одамларни боқади, ҳамма нарсага ҳаёт бағишлайди. Шунинг учун Аллоҳ таоло Қуёшни улуғлайди, Қуръони Каримнинг «Вас-шамс» сурасида бу тўғрисида хабар берилади.

ОЙ ВА САЙЁРАЛАРНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ

Ой юзаси реголит билан қопланган. Кўп даврлар орасида рўй берган портлашлар, метеоритлар урилиши, ҳарорат ўзгаришлари натижасидаги ўзгаришлар минераллар таркибини ҳам ўзгартиришга олиб келган. Реголит (чангсимон модда)нинг юзаки қисми жуда юмшоқ булади. Ойдаги денгиз реголитлари ранги қўнғироқ тусда, материкларники эса бир мунча рангсизроқ бўлади. Ой денгизлари базалтлари ўртача зичлиги 3,19 г/$см^3$ атрофида бўлиб, вулқонлар натижасида ҳосил бўлган кристаллик моддалардир. Булар пироксен, дала шпати, оливин, ильменит, турли силикатлар ва бошқалардан ташкил топган. Минералларнинг булакчалари денгиз брекчияларида ҳам учрайди, буларда шиша шарчалар цементловчи бирикмалар таркибида тарқалган бўлади. Цементловчи бирикма ранги жигаррангдан қорагача боради. Шунинг учун брекчиялар тоғ жинсларига қараганда қорароқ рангда учрайди. Брекчилар (жинслар)да динамик босим — зарба метаморфизми излари кўринади, буларда микроёриқлар, пластинкасимон кўринишлар, эриш излари сезилади. Реголит зичлиги 0,87 — 1,0 г/$см^3$ атрофида бўлиб, кристалл жинслар булакчалари, ўткир бурчакли брекчилар ҳамда шаклсиз сферик кўринишли табиий шиша аралашмасидан иборат булади. Унинг ранги турлича бўлиши мумкин. «Аполлон — 17» кемаси олиб келган реголитда шиша ранги сариқ, зарғалдоқ бўлиб, шишанинг мўллигидан дарак беради. Шиша қотиб қолган газ ҳолатларини характерлайди. Ойда метеорит бомбардимони орқасида вужудга келган шишаланиб қолган майдонлар боррикларидаги анортозитлар рангли жинслар бўлиб, асосан плагиоклаз — анортит минералидан ташкил топгандир. Ойдаги минераллар Ердагига ухшасада, фарқлилари ҳам учрайди. Ой анортозити билан Ер анортозити таркибида фарқ борлиги таҳлил орқасида аниқланди. Ой жинсларида криип компоненти учраши қизиқиш туғдиради.

Мен геокимё ва аналитик кимё институтида «Луна — 24» кемасида олиб келинган Ой жинслари намунасини ва АҚШнинг Тошкентда ўтказилган техника кўргазмасида намойиш қилинган Ой жинсларини кўришга муяссар бўлганман. Ой жинсларини кулга, «кумушнинг майда кукуни», «ёниб учган гулхан кули»га ухшатадилар. Баъзилари Еримиздаги тошларни эслатади. Кризислар денгизидан олиб келинган намуналар ёши миллиард йилдан ортиқлиги аниқланди. Намуналардан Ойда «гравитацион аномалия» борлиги аниқланилди. Масканлар деб аталмиш баъзи чуқурликларда моддалар кўпроқ тортилиши мазкур аномалиянинг келиб чиқишига сабаб бўлса керак, деган тахмин қилинади. Ойда вулқонлар ва улар ҳаракати борлиги ҳам топилди. Ой жинслари таркибида илтъмерит, анортзит ва троктолитли минераллар билан бир қаторда калийли дала шпати, шпинеллар, ульвошпинеллар, темир титанати, темирли хром, титан хромити, рутил, кремний оксиди, соф мис, перовскит, витлокит, фторапатит, циркон учрайди. Темирнинг соф ҳолдагиси, минераллардан шрейберзит, когенит, троплит, никелли минерал учраши қизиқиш туғдиради. Ойда еримизда умуман учрамайдиган темир-титанли оксид-армолокит, темир-кальцийли силикат ҳисобланмиш пироксерферроит ва транквиллитатларнинг учраши аниқланди. Узининг кимёвий хоссалари жиҳатидан ердаги армоколитдан тубдан фарқланувчи шундай таркибли минералнинг топилиши ҳам геокимё фани учун қизиқарлидир. Мазкур минералда сув билан уч валентли темирнинг йўқлиги ўрганилди. Ойнинг денгиз ва материк қисмларидаги базаль ҳамда анортозитлар ўзининг кимёвий таркиби билан ҳам фарқланиши кўринади. Денгиз атрофи жинсларида темир, хром, титан кўпроқ, алюминий, кальций ва марганец нисбатан камроқ тарқалган. Денгиздан олинган жинсларда эса қийин эрийдиган ниобий, гафний, титан, хром ва бошқалар учрайди. Мазкур элементлар ойда кўпроқ учрашлиги жиҳатдан олганда, нафақат Ерникидан, балки метеоритларникидан ҳам муллиги қизиқиш туғдиради.

Кудрат ҳожи АҲМЕРОВ,
кимё фанлари доктори,
профессор,
олий таълим аълочиси
(Давоми бор)

(Бо ши газетамизнинг 9 ва 11-сонларида)

ЭРТА УЛҒАЙГАН ОЛИМ

Марказий Осиёнинг XX аср тарихида Тошкент давлат университети алоҳида мавқе эгаллайди. Чунки Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистоннинг 20-йиллардан то шу кунгача босиб ўтган йўли албатта шу илм даргоҳига бориб туташади. Бу давлатларнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида мазкур илм масканида таҳсил олган мутахассисларнинг ўрни беқиёс бўлди. Аммо жойларнинг, жумладан, илм даргоҳларининг мавқеи иморатлари, иншоотларига қараб белгиланмайди. Ҳар қандай жойни фақат, одамлар обод қилади. Илм масканлари, таълим-тарбия ўчоқлари ҳам фидойилар туфайли обрўга эришади. Тошкент давлат университетининг дунё миқёсидаги машҳур илм масканлари қаторида эътибор топишига ҳам аввало у ерда меҳнат қилган илм заҳматкашлари сабаб бўлган.

Худо қобилиятли бандаларини ҳам саф-саф, бир-бирига йўлдош қилиб яратар экан. Яна бир ҳайрат шундаки, уларни бир-жойга жамлаб қўяр экан. Бу сир-синоатга ТошДУ ёрқин гувоҳ. Ўтган йилларда ТошДУда дунёнинг турли бурчакларидан келган ўн минглаб ёшлар таълим олишди. Улар орасидан турли фанлар бўйича юзлаб истеъдод эгалари майдонга чиқди. Математика, физика, кимё, билогия, геология, география, тарих, адабиётшунослик, тилшунослик каби фан йўналишлари бўйича дунёга машҳур олимлар етишди. Улар ТошДУни жаҳонга маълуму машҳур қилишди.

Хусусан, математиклар бу даргоҳни XX асрдаги дунё математикаси марказларидан бирига айлантиришди.

ТошДУнинг ана шундай маълуму машҳур қилган Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сирожиддинов каби улуғ алломалар, уларнинг устозлари, етук шогирдлари? Худонинг халқимизнинг буюк фарзандлари эди. Ана шу тимсоллардан бири Турсун Азларов. Турсун Азларовнинг тадқиқотлари дунёнинг кўплаб тилларида босилиб чиққан. 50 га яқин мақоласи ўнлаб хорижий мамлакатларда эълон қилинган. Монографияларидан бири - «Кўрсаткичли тақсимот билан боғлиқ характерлаш масалалари» инглиз тилига ўгирилиб, Германиянинг машҳур Шпрингер нашриётида чоп этилган (1986 йил). Математик анализ бўйича икки томлик дарслиги эса (доцент Ҳ. Мансуров билан ҳамкорликда) анча йиллардан бери олий ўқув юртларида ўқитиб келинади. Унинг раҳбарлигида 34 та мутахассис фан номзоди илмий даражасига эришган. Улардан иккитаси фан доктори бўлиб етишган. Т. Азларов Венгрия, Япония, Польша, Болгария, Ҳиндистон, Швеция, Миср каби мамлакатларда бўлиб ўтган нуфузли халқаро анжуманларда иштирок этган. ТошДУ математика факультетига деканлик қилган. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси раиси ўринбосари бўлган. Турсун Азларов истеъдодли кишиларга хос ғоят эрта улғайди. Илм оламида ўзини барвақт танитди. Ўзидан 20-30 ёш катта машҳур математиклар сафига кириб олди. «Домла 25 ёшида фан номзоди, 35 ёшида фан доктори даражасига эришган. «Умуман, Азларовлар авлоди жуда эрта улғайишган» дейди академик Тўрабек Долимов. «У киши машҳур математик Саъди Сирожиддиновнинг энг суюкли шогирдларидан бўлган. Турсун ака илмда ҳам, ҳаётда ҳам улуғ алломага муносиб бўлиб келган. У киши билан бир даргоҳда ишлаш кўнгилни тоғдай кўтаради» дейди уни қувватлаб ТошДУ механика-математика факультети декани, профессор Гулмирза Худойберганов.

Кўнгилни тоғдай кўтарадиган Турсун аканинг илмий салоҳиятига эмас, хушмуомалалиги, камтарлигига ҳам ҳавас қилса арзийди. У киши яқин бўлиб қолган одамлари билан ҳар доим ўзига ярашиб турадиган бир тарзда «Ў—ў оғайни!» деб қучоқ очиб кўришади. «Отлиқ» бўлган чоқларида ҳам, эл қатори «пиёда» пайтларида ҳам шу феълини қўймайди. Зуваласи бўш баъзилар сингари ҳеч қачон шароитга қараб турланиб тусланмайди. Чунки у киши бу дунёда ҳаммаси ўткинчилигини жуда яхши англайди. Хушмуомалалик, камтарлик, илмда ҳалоллик инсонни улғайтирувчи фазилат эканлигини билади. Албатта, шундай эканлигини ҳамма билади. Аммо камдан кам одамгина билганига амал қила олади. Турсун Азларов ана шундай камдан кам инсонлардан бири. Шунинг учун ҳам у ҳамкасблари, яқинлари даврасида самимий обрў топган. Олим сифатида кўп элларга эрта танилган.

Элимизни элларга машҳур қилган, ТошДУнинг дунё математик марказларидан бири сифатида эътибор топишга салмоқли ҳисса қўшган улкан олимимиз энди 60 ёшга кирган экан, ҳали илм-фан мавқеининг янада юксалиб кетишига дил-дилингдан ишонгинг келади.

Абдулла УЛУҒОВ

СУРАТДА: Турсун Азларов ҳамкасблари даврасида.

1998 yil — Oila yili

ОИЛАДАН БОШЛАНАДИГАН ТАРБИЯ

Ватанпарварлик — она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш.

Ватанпарварлик — Ватанимиз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ҳамда ҳурмат билан қараш ва уни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш, унинг ҳақиқий жонкуяри бўлиш.

Ватанпарварлик — ўз миллатимизга, она юртимизга содиқлик ва Узбекистоннинг буюк давлат бўлишига ҳисса қўшишдир.

Миллий қадриятларимиз асосида ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш аввало оиладан бошланади. Бунда ота-она бош тарбиячи бўлиб, ўз фарзандларига, авлодларимиз тарихи, уларнинг қаҳрамонлиги, жамиятдаги обрў-эътибори ҳақида эҳтирос билан гапириб бермоғи ва шу асосда ёш авлодда Ватан туйғусини уйғотиши лозимдир.

«Инсон ўзининг етти авлодини билмоғи керак» дейди доно халқимиз. Дарёлар ирмоқлардан пайдо бўлгани каби мамлакат тарихи ҳам ана шу оилавий удумлар ва қариндош-уруғлар таркибидан шакл топади. Бу тарих орқали эса миллий онг, миллат тушунчаси, ўз-ўзини билиш, ўз миллатидан фахрланиш тушунчаси шаклланади.

Болаликда тарбияланган ватанпарварлик ҳисси инсонни ҳеч қачон тарк этмайди. Шу боис ота-оналар болаларида миллий қадриятлар асосида ватанпарварлик ҳисларини тарбиялашнинг ўзига хос йўллари устида ишламоқлари керак. Бунда яшаб турган муқаддас заминимиз, унинг қуёши, суви, ҳавоси, боғу роғлари, меҳмондўстлиги ва инсонпарварлик бола қалбини чулғаб олмоғи лозим.

Бунинг учун ватанпарварлик мавзуидаги болаларга хос, халқ педагогикаси жанрларида талқин этилган эртаклар, ҳикоялар, қўшиқлардан фойдаланиш мумкин.

Ота-оналар ўз фарзандлари билан биргаликда табиат қўйнига сайр қилишлари ҳам яхши натижа беради. Улар фарзандларнинг табиатдан баҳраманд бўлишидан ташқари, она Ватанга бўлган муҳаббатини, яшаб турган она диёри гўзаллигию табиат неъматларининг қадрига етиш, уларни авайлаб-асрашни фарзандларнинг онгига сингдириб борадилар. Масалан: «Отамдан қолган далалар, боғлар», «бобом экkан терак», «тоғамнинг узумзорлари» деган тушунчалар ҳар бир мурғакнинг юрагига сингдириб борилса, унда ватанпарварлик туйғулари шакллана бошлайди.

Юқорида қайд этилганидек, ватанпарварлик тарбиясини шакллантириш ва такомиллаштириш инсон туғилишидан то умрининг охиригача давом этадиган жараёндир. Ота-оналар ўз фарзандларига ватанпарварлик бурчи, яхши ўқиш, намунали хулқ-атворли булиш, ижтимоий ишларда фаол қатнашишларини ўқтириб, тушунтира боришлари керак. Шунинг учун оилада болаларни миллий қадриятларимиз асосида ватанпарвар инсон қилиб тарбиялашда қуйидагиларни мувофиқлаштиришимиз мақсадга мувофиқ булади. Мустақиллик ҳис-туйғусини шакллантириш ва унга амал қилиш, ўзбек миллий ғурурига содиқлик, ҳар жойда интизомли бўлиш.

Шуни унутмаслик керакки, оилада бажараётган ҳарбир ҳаракатимиз, Ватан тақдири билан боғланади. Бу эса ватанпарварликнинг мазмунини бойитиб боради. Шунинг учун оилада болаларимизга ўз халқимизнинг анъаналари, тили ва маданиятига муҳаббат ҳамда ҳурматни тарбиялаб, сингдириб борсак, болалар ўз Ватанининг жонкуярлари булиб етишади ва улар софдил, самимий, одил фазилатли ҳақиқий ватанпарвар була олади.

Шаҳноза ОТАЖОНОВА,
Низомий номидаги
Тошкент Давлат
педагогика институти
ўқитувчиси

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

Давлатимизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши барча халқ таълими ходимларига катта маъсулиятларни юклади. Юқоридагиларни ҳаётга жорий қилиш мақсадида А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ 1998 йилнинг март ойи учун қуйидаги курсларни режалаштирди. Бу курсларда Ўзбекистон Республикаси давлат идоралари ва республика халқ таълими вазирлигининг маъсул ходимлари, чет эллик мутахассислар ҳамда таниқли олимлар, тажрибали педагоглар маърузалар ўқийдилар. Курс давомидаги амалий машғулотлар пойтахтдаги янги турдаги мактаблар, РТМ, халқ таълими музейи ва бошқа илғор таълим муассасаларида бевосита мулоқот шаклида ўтказилади

ТОИФАЛАР	Ўқиш тили	Курс ўтказиш	Муддати
1 Урта мактаб директорлари курси. (Бухорода)	ўзб	9-28	18
2 Тожик тилида ўқитиладиган мактабларнинг бошланғич синф ўзбек тили ўқитувчиларини лотин ёзувига ўргатиш курси. (Сурхондарёда)	ўзб	2-7	6
3 Урта мактаб директорлари.	ўзб	2-21	18
4 Болалар, усмирлар спорт мактаби директорлари ва ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари учун курс.	ўзб	2-28	24
5 БУИМ (болалар ва ўсмирлар ижод маркази) услубчилари.	ўзб	2-28	24
6 Ёрдамга муҳтож бўлган болалар билан ишлайдиган бошланғич синф ўқитувчилари учун курс.	ўзб	2-14	12
7 Янги тур мактабларнинг кимё фани методбирлашма раҳбарлари.	ўзб	2-28	24
8 Тарих фани методбирлашма раҳбарлари курси.	ўзб	2-28	24
9 Узбек тили ва адабиёти фанини ўқитишда янги педагогик технологияларни қўллаш.	ўзб	2-14	12
10 Футбол мактабларининг тренерлари учун курс.	ўзб	2-14	12
11 Мактаб амалиётчи психологлари курси.	ўзб	2-14	12
12 Информацион технологияларни қўллаб дарс ўтиш: тарих ва география ўқитувчилари курси.	ўзб	16-28	12
13 Физикадан ўқувчиларнинг билимини баҳолашда тест-рейтинг усулини қўллаш.	ўзб	16-28	12
14 География фанини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш. (Фарғонада).	ўзб	2-14	12
15 Янги тур мактабларининг биология ўқитувчилари.	ўзб	16-28	12
16 Оз комплектли мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчилари.	ўзб	16-28	12
17 Янги тур мактабларнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари курси.	ўзб	16-28	12
18 Кар, заиф эшитувчи болалар мактаби ўқитувчилари учун курс. (Жиззахда)	ўзб	16-28	12

Тингловчилар учун «Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона, бепул ётоқхона ва 100 ўринли санаторий-профилакторий хизматда бўлади. Санаторий-профилакторийда 24 кунлик курс тингловчилари 2-3 март кунлари курорт карталари билан қабул қилинадилар. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади.

Курс давомида тинглочилар учун таниқли педагог олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва Амир Темур музейи ва бошқа маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.

Манзилимиз: Тошкент — 95. Талабалар шаҳарчаси.

Саидов кўчаси 6-уй.

Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг

Талабалар шаҳарчаси (охирги) бекатигача.

ЯНГИ ЙИЛДАГИ БИРИНЧИ СОН

Тил ва адабиёт ўқитувчиларининг энг зарур методик қўлланмаси булган бу журналнинг 1998 йилги биринчи сонида анча ижобий ўзгаришлар мавжуд. Журнал эстетик жиҳатдан яхшиланган ва мазмунига ҳам ҳозирги кун талабларига мос ўзгартиришлар киритилган.

Журнал Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Биринчи чақириқ IX Сессиясида қабул қилинган ва ҳар бир ўқитувчи учун зарур булган «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури»дан олинган парчалар билан бошланади. Шунинг учун журналнинг бу сони кўп нусхада чоп этилиб, биринчи марта эркин сотувга чиқарилди.

Бу сонда эълон қилинган бошқа материаллар шу дастур ҳамда журналнинг бундан олдинги сонида чоп этилган «Таълим ҳақида»ги Қонунни ҳаётга татбиқ этиш билан бевосита ва билвосита боғлиқдир. Жумладан, унда Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошевнинг «Таълим тараққиётининг навбатдаги вазифалари» номли мақоласи берилган булиб, бу мақолада мактаб раҳбарлари ва ўқитувчилар олдида турган шу кунги вазифалар аниқ баён этилган.

Ёрмат Тожиев, Марҳабо Яхшиева ва Севара Тошалиевалар нинг «Таклиф ва мулоҳазалар» рукни остида эълон қилинган мақолаларида она тили ва адабиёт фанини олий ўқув юртларида ўқитишнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш юзасидан қимматли фикрлар баён этилган.

Журналда Наманган давлат университети қошидаги лицей ўқитувчиси Маҳбуба Собированинг ўқувчиларнинг суз бойлигини ошириш ҳақидаги, бухоролик мактаб ўқитувчиси Шарифжон Бектошевнинг «Машварат дарс», Хужанд давлат университети ўқитувчилари Абдусалом Абдуқодиров ва Ҳафиза Қодироваларнинг «Ҳадислар Навоий талқинида» деб номланган мақолалари «Методика» рукни остида берилган.

Тил ўқитиш методикасининг назарий пойдеворини ташкил этувчи «Тилшунослик» рукнида Дилором Муҳамедованинг микроматн ҳақидаги, Назокат Жиянованинг нумератив сўзлар борасидаги, Насиба Шоимованинг Навоий асарлари тилидаги айрим сўзларнинг баъзи шевалардаги сўзлар билан қиёслаш устида олиб борган тадқиқоти натижалари билан танишиш мумкин.

Журналда адабиётшунослик масалаларига оид ҳам материаллар чоп этилган. Улардан Қуқон давлат педагогика институти доценти Мамлакат Ҳошимованинг «Шеъриятдаги миллийлик» ҳамда шу институт ўқитувчилари Дурдона Зоҳидованинг Мулло Умрзоқ Абдували ўғли Ғарибийнинг адабий мероси ҳақидаги мақоласи диққатга сазовордир.

Журнал саҳифаларидан, шунингдек давлат тилли ва чет (инглиз, француз ва немис) тилларини ўқитиш методикасига оид материаллар билан бир қаторда тил ва адабиёт дарслари учун қўшимча материаллар ҳамда дарсдан ташқари тадбирлар ўтказишда фойдаланиш учун материаллар урин олган. Жумладан, гиждувонлик ўқитувчи Ражаб Авезовнинг бу ерда берилган «Ассалом, баҳор! Ассалом, Навруз!» деб номланган саҳналаштирилган мусиқали кеча сценарийсидан барча ўқитувчилар фойдаланишлари мумкин.

Р. ТОЛИПОВА,
профессор,
журнал бош муҳаррири

ЭЪЛОН

Халқ таълими вазирлиги Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларга мижозлар хоҳишига биноан барча йўналишлар бўйича ва турли усулда сайёҳлик хизмати кўрсатади.

Шунингдек, телерадио аппаратларини ва компьютер техникасини кафолатли таъмирлайди. Барча хизмат турлари пул ўтказиш йўли билан минимал нархларда амалга оширилади. Халқ таълими тизимидаги муассасалар алоҳида имтиёзлардан фойдаланадилар.

МАНЗИЛ:
ТОШКЕНТ,
ШАЙҲОНТОҲУР
КЎЧАСИ, 10а УЙ
Мўлжал:
Шайҳонтоҳур
мақбараси.
ТЕЛ: 41-83-69,
144-34—67.

14-fevral — Bobur tavallud topgan kun

ИСТИХРОЖ

ЁХУД БОБУРОНА СЕҲРСОЗЛИК САНЪАТИ

Шеърий идроки юксак китобхон Бобур ғазалларининг ҳар бир байтига мислсиз наққошнинг асарига термулгандай термулиб, шоир яратган санъатпардозлик мўъжизаларини ўқий олиши мумкин.

Илми саноеъдаги нисбатан сийрак учрайдиган, айниқса бугунги китобхон учун нотаниш соҳа — ҳарфий санъатлар қисмидир. Тўғри, китобхонлар ҳарфий ўхшатишларга тез-тез дуч келадилар ва уларни бақадри ҳол идрок этадилар. Чунончи, қаднинг алифдай тиклиги, ёр қошининг ё ҳарфига ўхшаши, машаққатлар юки остида ошиқнинг алифдай қаддининг долдай буқилиши сингарилар...

Саноеъ илмидаги иқтоъ, тасҳиф, мувассал, лабрас, қалб, истихрож сингари ҳарфий санъатлар орасида истихрожнинг бой ифода имкониятларига кўра ўрни алоҳидадир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Девон»ини варақлаб, истихрож санъати намуналарини излар экансан, матлаъи кишини ўз сеҳрлилиги фосати булар билангина чекланмайди. Энг гўзал санъат — мўъжиза «малол» сўзидадур.

Бу қанақа мўъжиза? Ҳомер «Илиада» достонига: «Ҳар ким «Илиада»дан ола олганича олади» деган эпиграф илова қилган. Бу ҳикматни мумтоз адабиётга нисбатан ишлатса бўлади. Ҳар ким ғазал ёки ҳар бир байтдан ола олганича озиқланади, идрок кучи етганича ҳиссий-ақлий лаззат — таассурот олади.

«Малол»даги мўъжизани истихрож деган санъатдан хабардор, эски ёзувни биладиган кишигина чуқур ўйлаб топа олиши мумкин. Чунки мумтоз адабий-бадиий анъанага кўра яширин ташбиҳ усулида мулоҳаза юритсак, ёр оғзи — м — мим ҳарфига ўхшайди (агар алоҳида олинса — мим ҳарфининг бош қисмига); гажак (зулф) эса эски ёзувдаги «лом» ҳарфига ўхшайди. Шунинг учун шоир гажакнинг иккита эканлигини махсус айтмоқда. Қад, бўй, баст эса асосан алифга ўхшатилади. Мим ҳарфидан сўнг икки ломни келтирсагу икки лом ўртасига алифни жойлаштирсак: малол сўзи ҳосил бўлади.

Энди, ана шу мисолимиздан фойдаланиб истихрож санъати моҳиятини ёритайлик: айтилган ёки назарда тутилган ҳарфлардан сўз ясаш санъати истихрождир. Биз истихрожнинг икки навига таъриф жорий этдик, холос. Энди таърифимизнинг биринчи қисмига, яъни айтилган ҳарфлардан сўз ясашга мувофиқ истихрож навига мисол келтирайлик.

Бобур девонидан:

Қаддинг алифу қошинг эрур ё,
Десам не ажаб агар сени ой.

Мазмуни: Сенинг қаддинг алиф, қошинг ёга ўхшашдир. Шунинг учун сени «ой» десам ажаб? Ҳа, эски ёзувда алиф ва ё ҳарфлари «ой» тарзида ўқилади. Уқтирганимиздек, байтда бирмабир айтилган икки ҳарф йиғиндисидан «ой» сўзи яратилди. Бу истихрож санъати намунасидир.

Ўзаклар бирикувидан иборат янги сўз санъати истихрождир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу истихрожнинг икки навидан жуда усталик билан фойдаланган. Шоир шу даражада сеҳрсозлик қиладики, иккита салбий сўз танлаб, улар бирикувидан дилкаш ижобий сўз яратади: Ғам — ошиқни ёзувчи. Хор — тикан. Тикан қадалиши — озордир.

Ағёр кўз олидаю ул ёр аён йўқ,
Ғам хори кўнгул ичраю ғамхор топилмас.

Бағирга санчилаётган ғам тиканини тасаввур этайлигу, бу сўзлардан истихрож санъати туфайли яратилган меҳрибон — ғамхорни кўз олдимизга келтирайлик ва шоирона сеҳрни бир тасаввур этиб кўрайлик!

Иккинчи бир ўринда, шоир ана шу иккита сўз ўринларини алмаштириб бириктириб, янги сўз ясайди. Бунда «хор» сўзи энди тикан эмас, нописанд, арзимас маъноларида келади:

Хор кўрма ғамин ул-ойнингким
Будурур фурқатида ғамхоринг.

Дарвоқеъ, ғам ҳам бу байтда бошқа маънода: ишқ сўзи ифодасидир. Байт мазмуни: Ойдай севгилинг муҳаббатини арзимас деб ўйлама. Чунки ёр айрилиғида сенинг меҳрибонинг ёр севгисидир.

Ушбу байтдаги санъатпардозлик сеҳри шундаки, икки сўзнинг ўрнини алмаштириб такрорлаш акс санъатидир. Шоир тарди акс ёрдамида истихрож усулини яратган.

Ё раб, ул кун шум толеъдин манга бўлғаймуким,
Жонима ором ул оромижондиндин кўргамен?

Шоир истихрож санъатини қўллаганда ёрнинг бир аъзо-узвини бир гал бир ҳарфга, иккинчи марта бошқа бир ҳарфга ўхшатиб, «Қани истихрожни топа олармикан?» деб жилмайиб турганга ўхшайди. Юқоридаги мисолда шоир зулфни «лом» (л)га ўхшатган эди. Қуйидаги байтда эса назарда тутилган ҳарфий ташбиҳ энди зулфга нисбатан лом эмас, балки дол (д)дир:

Кўзию зулфу оғзи фурқатида
Фалак охир мени адам қилди.

Назарда тутилган истихрож намунаси бўлган ушбу байт мазмуни ва санъат моҳиятини мулоҳаза қилайлик: севгилимнинг кўзи, гажаги ва оғзидан жудоликда яшаганим учун фалак охири мени йўқликка маҳкум этди. Адам — йўқликни ёрнинг юқорида саналган аъзо-узвларга не дахли бор эди? Бунда мумтоз шеъриятдаги икки анъанага суянилган:

— биринчиси, ёр оғзи кичиклиги гўзаллик намунасидир. Уни гоҳ мим (м) ҳарфига, гоҳ зарага ўхшатадилару, гоҳо энг гўзал қизлар оғзи борасида сўз кетганида оғзи йўқ эди, дейдилар! Йўқ оғизни излаган ошиқ йўқликка маҳкум бўлса не ажаб?

— иккинчиси, байтда биринчи тасаввур эмас, балки истихрождаги тасаввур ҳокимлик қилади. Яъни, назарда тутилган аъзо-узвларнинг ҳарфий ўхшатишларини йиғиштирсак: «адам» сўзи ҳосил бўлади!

Хўш, қандай қилиб?

Мумтоз адабий анъанага кўра кўз ташбиҳи айна (а) ҳарфидир; гажак-зулф бу ўринда дол (д) ҳарфига ўхшатилган. Оғиз эса, аввалги мисолдагидек м-мим ҳарфига менгзатилган. Ана шу уч ҳарфни араб ёзувида ёнма-ён тизсак: адам — йўқлик сўзи ҳосил бўлади.

Мумтоз поэтикамизда энг қийин ҳарфий санъатлар иккита: истихрож ва қалб. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг истихрож санъати соҳасидаги кузатилган мўъжизакорлиги ҳар қандай мутахассисни ҳайратга соладди. Негаки, ўн икки ёшидан бошлаб онгли умрини асосан жанг-жадалда кечирган Заҳириддин Муҳаммаднинг шеърият санъатпардозлигида бунчалик нозик кетишини тасаввур этишнинг ўзи қийин. Шоирнинг ҳарфий санъаткорлигини мулоҳаза қилар эканман, бирдан ёдимга хатти Бобурий тушди. Ҳа, шоиримизнинг, зукко, тийран ижодкоримизнинг ҳарфга бўлган меҳри — ёзувга бўлган муҳаббати бежиз эмас экан. У улуғ фотиҳ, йирик сулола бошлиғи сифатидагина эмас, ҳарф, ёзув, шоирона сўз орқали ҳам китобхонлар қалбида барҳаётлик салтанатига эга бўлди.

Биз юқорида шоир ижодида учрайдиган юздан ортиқ шеър санъатларидан биттаси — истихрож ҳақида сўз юритдик, холос. Шу жажжи нуқтадан ҳам Бобурнинг буюк санъатпардоз шоир эканлигини тасаввур қилиш имкони бор экан.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
Гулистон Давлат университети катта илмий ходими

АЛИФБЕ – ИЛМНИНГ БОШИ

Инсон тирик экан, унинг ҳаёти давомида қувончли кунлар жуда кўп бўлади. Шундай кунлардан бири «Алифбе» байрамидир. Алифбе байрами болакайларга бир олам қувонч олиб келади. Улар бу байрамни мактабни битириб кетганларидан кейин ҳам эслаб юрадилар.

Юнусобод туманидаги 83-ўрта мактабда ҳам «Алифбе» байрами бўлиб ўтди. Ўқишни ўрганган болалар жуда мамнун эдилар.

— Мактабга илк бор қадам қўйган болажонларни ўқитиш менга завқ бағишлайди, — дейди 1-синф раҳбари Дилором Нуритдинова, — чунки улар ҳар хил шароитда катта бўлишган, қўлига бирор марта қалам ёки ручка ушламаган, ҳар хил тарбия олган болаларни ўқув йили мобайнида ўқитиш, уларни тарбиялашнинг ўзи бир қувонч.

«Болалар лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбесини қандай ўзлаштиряптилар», деган саволимизга Дилором опа шундай жавоб қилдилар:

— Болаларга лотин алифбесини ўргатиш ўзига яраша қийинчиликлар билан ўтди. Сабаби, уйга берилган топшириқларни баъзи бир ота-оналар тушунмай, ўша ерда тайёрлаб оларсан, деб ўқитувчи зиммасига юклатиб қўйдилар. Болалардаги қизиқиш бу қийинчиликларни бартараф этди.

Байрамга жонли «Алифбе» кириб келди ва болалар унга ўрганганларини айтиб беришди. Болажонлар йиғилган ота-оналар ва меҳрибон мураббийлари ҳузурида ашулалар, турли халқлар ижодига мансуб рақсларни ижро этишиб, мақоллар, топишмоқ ва шеърлар ижро этишди.

Байрам сўнгида жонли «Алифбе» жажжи болажонларга ўз совғаларини улашди.

Гулноза НИШОНБОЕВА,
Юнусобод туманидаги 83-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси

Bir soatlik dars

ХОЖА ҲИКОЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Умумтаълим мактабларининг 5-синфларида XX аср ўзбек адабиёти намуналари билан бир қаторда мумтоз адабиётимиз намояндаларининг айрим асарлари ҳам ўрганилади. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» китобидан, Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат»идан, Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асаридан, Навоий рубойиларидан, Хожанинг «Мифтоҳ-ул адл» ҳамда «Гулзор» асарларидан берилган намуналар шулар жумласидандир. Гарчи ўзбек мактаблари мазкур асарларнинг бир қисми, хусусан, Юсуф Хос Ҳожиб ва Навоийнинг ижодий намуналарини ўрганиш бўйича маълум тажрибага эга бўлган эса-да, мумтоз адабиётнинг бошқа вакиллари, айниқса Хожанинг ҳаёти ва ижоди, унинг ҳикоятларини ўрганиш юзасидан етарли тажрибага эга эмас; бу таниқли шоирнинг «Мифтоҳ-ул адл» ва «Гулзор» асарларидан берилган парчаларни ўрганишнинг усуллари ҳануз ишлаб чиқилмаган.

Биз мазкур мақолада, адабиёт ўқитувчиларига ёрдам сифатида шоир Хожанинг 5-синф адабиёт дастурига киритилган «Луқмони ҳаким ҳикояти» ва «Бир шайхнинг йўлдан адашган кишига йўл кўрсатгани» номли асарини ўрганиш бўйича ўз тажрибаларимиз бўйича ўртоқлашамиз, бу икки ҳикоятни ўрганиш юзасидан дарс намуналарини тавсия этамиз.

Амалдаги адабиёт дастурида шоирнинг «Мифтоҳ-ул адл» асаридан олинган «Луқмони ҳаким ҳикояти» ҳамда «Гулзор»идан парчалар берилган «Бир шайхнинг йўлдан адашган кишига йўл курсатгани» ҳикоятларини ўрганиш учун икки соат вақт ажратилган ва шундай мақсадни амалга ошириш таъкидланган: «Адиб ҳақида маълумот. Дастлабки ҳикоятда «Ҳар ким экканини ўради» деган фикрнинг, иккинчи ҳикоятда тўғри, ҳалол, покиза умр кечириш афзал, деган ғоянинг бадиий талқини. Ҳикоятнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти. Ҳикоят ҳақида тушунча».

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун муаллим, авало, «Ҳожа» мавзуини ўрганиш учун адабиёт дастурида берилган икки соатни қуйидагича тақсимлаб олмоғи зарур:

Биринчи соат: Хожанинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот. «Луқмони ҳаким ҳикояти»ни ўқиш ва мазмунини ўзлаштириш; асарнинг қисқача таҳлили.

Иккинчи соат: «Бир шайхнинг йўлдан адашган кишига йўл кўрсатгани» ҳикоятини ўқиш ва мазмунини ўзлаштириш; асарнинг қисқача таҳлили ҳикоят ҳақида назарий маълумот.

Қуйида шоир Хожанинг ҳаёти ва ҳикоятларини ўрганишга доир ҳар икки соатда амалга ошириладиган ишларнинг мазмуни ва методик йўл-йўриқларини таклиф этамиз.

Хожа ижодини ўрганишга оид биринчи дарснинг режаси бундай бўлиши мумкин:

1. Хожанинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот:

а) адибнинг болалик ва ёшлик йиллари;

б) темурийлар ва шайбонийлар ҳукмронлиги давридаги фаолияти;

в) наср ва назм соҳасидаги самарали ижоди.

2. «Луқмони ҳаким ҳикояти»:

а) ҳикоятнинг мавзуси ва унга «яширинган» ғоя;

б) асарнинг тузилиш жиҳати;

в) ҳикоятда иштирок этувчи шахслар образи.

Ўқитувчи биринчи соатга тегишли ушбу режанинг биринчи қисми — Хожанинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот беришга киришдан аввал, ана шу мавзу юзасидан нашр этилган қўшимча материалларни (жумладан, М. Мирзаахмедова. Хожа. Тошкент, 1975 йил) кўздан кечиради, чунки шоир Хожа ҳақида 5-синф «Ўзбек адабиёти» дарслик — мажмуасида берилган маълумотлар талабга етарли равишда жавоб бермайди. Ана шундай пухта тайёргарликдан сўнг, Хожага бағишланган дастлабки машғулотда бу улкан адиб умумтаълим мактаблари адабиёт дастурига сўнгги йиллардагина биринчи маротаба киритилгани, унинг ғоят бой асарларидан намуна сифатида икки ҳикоят «Ўзбек адабиёти» дарслик-мажмуасига киритилиб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилганини мамнуният билан таъкидлайди. Адибнинг ҳаёти ва ижоди ўрин олган ҳамда тадқиқ этилган айрим манбаларни синфда намойиш этади. Сўнгра қисқача баён усули билан ўқувчиларга адибнинг таржимаи ҳоли тўғрисида (илк бор) янги билим беради. Хожа таржимаи ҳолига доир дарслик-мажмуада берилган матн бирмунча мураккаб бўлгани учун, муаллим ўз ҳикоясини изчил, содда ва равон тилдан кейин, «Хожа» мавзусини ўрганишга бағишланган 1-дарснинг 2-палласи, яъни адибнинг «Луқмони ҳаким ҳикояти»ни ўқиш, мазмунини ўзлаштириш ҳамда таҳлил этишга киришилади. Бу вазифани ҳал этишда ҳам ҳикоят учун тузилган юқоридаги режага қатъий амал қилинади. Бу режа ҳам «адибнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот» бериш учун тузилган режа каби синф доскасига ёзиб қўйилади (ёхуд у алоҳида бир картон қоғозга қайд этилган бўлиб, ҳамма учун кўринарли ерга илиб қўйилади).

«Луқмони ҳаким ҳикояти» ниҳоятда ихчам бўлиб, уни ўрганиш кўп вақтни олмайди, бироқ у ҳажм жиҳатидан мўъжазгина бўлсада, маъно ва мазмуни жуда ҳам қуюқ ва ибратлидир; у дидактик ғояни ўзида акс эттириб келган; уни очиш, болалар онгига сингдириш, уларда эстетик ҳис ва ҳаяжон пайдо этиш учун эса ушбу ҳикоят ижодий ўқиш методи орқали ўрганилгани маъқул.

Албатта, Хожа ҳикоятларининг бундай таҳлили ўқитувчи маърузаси орқали амалга оширилади. У ўз маърузасининг охирида Хожа асарларининг аҳамияти, уларнинг ҳозирги кунларимизда тутган ўрни ҳақида ҳам тўхталиб ўтади.

Дарс қисқача суҳбат, ўқувчиларнинг Хожа ҳикоятларидан олган таассуротларини тинглаш орқали мустаҳкамланади ва якунланади.

А. АБДУРАҲМОНОВ,
ЎзПФИТИнинг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди

«ҲИКМАТЛАР» МУАММОНОМАСИ

Азиз муштарий! Авало қуйида келтириб, рақамларда ифодаланган ўзбек мумтоз шоири, олими, давлат арбоби, саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳикматларидаги сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир
Ҳар кимки жафо қилса жафо топқусидир.
7, 8, 10, 1. киши кўрмагай ямонлиғ ҳаргиз,
Ҳар кимки ямон бўлса жазо топқусидир.
2. Олудаги юз туман маосий хоси бўлмоқ,
Юз ранжу туман азоб бўлмоқ.
Кўп яхши экан аҳли кўнгли қолур,
14, 1, 10, 1. юз сўз бирла кўнглин олур.
8. Жисмимда истма кунда маҳкам бўладур,
Кўздин учадур 19, 16, 11, 19. чу оқшом бўладур.
Ҳар иккаласи ғамим била сабримдек,
Борғон сайин бу ортадур, ул кам бўладур.
9. Толеъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сари юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз 11, 6, 4, 3, 2, 1, 13. бўлди.

Энди жавоб сўзлар асосида шаклдаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Ундан ижодкорнинг икки мисра яна бир ҳикмати аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

Maktabgacha tarbiya

БАХТ УЙИНИНГ БАХТЛИ БЕКАСИ

Педагог меҳнати мураккаб ва машаққатли. Жамият ривожланишида у ўзининг бебаҳолиги билан аҳамиятлидир. Ольга Яковлевна 60 йиллик ҳаёт йўлини ортда қолдириб, шундан 30 йилини Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 401-сонли мактабгача муассасасининг мудиралигига бағишлади. Бугун ушбу мактабгача муассасанинг қўшалоқ тўйи нишонланмоқда — у 30 ёшга, унинг раҳбари эса 60 ёшга кирди. Республикамизда мактабгача муассаса очилганидан бошлаб шундай узоқ муддатгача уни муваффақиятли бошқариб келаётган раҳбарлар саноқлидир.

401-ясли-боғча болаларга ҳар томонлама таълим-тарбия бериш, ривожланишлари учун намунали шарт-шароитлар яратиш соҳасида Тошкент шаҳридагина эмас, балки бутун республикамизда энг яхши муассасалардан ҳисобланади. Боғча 20 йилдан бери республика мактабгача тарбия ходимлари курс тингловчиларининг амалий машғулотлари учун энг яхши таянч масканларидан бири бўлиб келмоқда.

Боғча шунчалик обрўга эгаки, ота-оналар ҳар куни узоқ масофани босиб, болани боғчага олиб келиш учун кўп вақт сарф бўлишига қарамай, фарзандларини ушбу масканга Тошкент шаҳрининг турли томонларидан олиб келадилар. Бунинг заминида Ольга Яковлевна раҳбарлик қилаётган жамоанинг кўп қиррали меҳнати ётади, чунки ҳар бир ходим ўзини катта оиланинг аъзоси деб билади.

Муассасадаги ижобий муҳит, педагогларнинг маҳорати, барча ходимларнинг меҳнатсеварлиги, болаларга ва танлаган касбига бўлган муҳаббат — бу муассасани бошқаларидан ажратиб туради.

Бола организмини чиниқтириш ва болани мактабга жисмонан соғлом қилиб тайёрлаш учун бу ерда кўп ишлар қилинмоқда. Йил буйи йўриқчи раҳбарлигида болалар сузишга ўргатилмоқда. Жисмоний машғулотлар билан бир қаторда ҳафтасига икки маротаба бадиий гимнастика, аэробика буйича ҳам машқлар оширилади. Ҳар куни шифокор тавсияси асосида шифобахш гиёҳлардан тайёрланган ичимликлар берилади. Болалар руҳий ҳордиқ чиқариш хонасида даволанадилар, оҳиста классик мусиқа тинглаб, тоғлардан териб келинган шифобахш, ёқимли ҳидли гиёҳлардан баҳра оладилар.

Боғча майдончаси талабга жавоб берадиган даражада қўқаламзорлаштирилган, болалар шаҳардаги шовқин ва чанглардан ҳимоя қилинган.

Болалар боғчада қизиқарли, ноанъанавий тарзда уюштириладиган байрам эрталикларида иштирок этадилар, бу эрталикларда боғчанинг барча ходимлари ва ота-оналар фаол қатнашадилар. Байрамлар қандай саналарга бағишланган бўлишига қарамай, болаларни кулдириб хурсанд қиладиган ҳазил-мутойиба ва ўйинларга бой бўлади.

Ольга Яковлевна бу муассасада бўлаётган барча ишларга бош-қош бўлиб, ҳар бир педагог ёки болалардан бирортаси касалланса, куйиб-пишиб, ҳолидан хабар олади. Уни 300 дан ортиқ болали катта оиланинг онаси деб ҳисоблайдилар.

М. СОЛИҲОВА,
Мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курси директори

ФОРС ҲИКМАТЛАРИДАН

Инсоннинг ҳақиқий мардлиги ўз нафсини идора қилишида билинади.

***

Агар сўз қалбнинг чуқур жойидан, чиқса, ўзга кишилар қалбининг ҳам чуқур жойига кириб боради.

***

Кўнгил хоҳламаган ишга қўл уриш ишдан завқ олиш эмас, балки куч, ирода, зеҳн ва асабни издан чиқариш демакдир.

***

Инсон виждони ҳам унинг ақли каби тарбия ва тажрибага муҳтож.

***

Шошқалоқлик билан тезкорликнинг фарқи бор: шошқалоқлик — ақлнинг заифлигидан, тезкорлик — ақлнинг матонатидан дарак беради.

А. АЛИЕВ тайёрлади

Ko'ngil bitiklari

ЁДГА ТУШАР ТУҒИЛГАН УЙИМ

Шоир ва ўз ҳамкасбларингиз Ҳумоюн Акбаров ижодидан сиз азиз муштарийларимиз турли матбуот нашрлари орқали яхши танишсиз, десак муболаға бўлмас. Шоирнинг яқинда кетма-кет нашр этилган «Юракдаги рангин камалак» ва «Унутилган гул» шеърий тўпламлари эса назм шайдолари учун муносиб туҳфа бўлиши, шубҳасиз. Ҳумоюн Акбаров — Бўз тумани халқ таълими бўлими мудири, айни кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиси.

Қуйида шоирнинг янги ёзган шеърларидан намуналар берилмоқда.

ҲУМОЮН

КУТУБХОНАДА

I

Кутубхона шовуллар — баҳр,
Унинг туйиб садоларини,
Тиланчи девона бесабр,
Ича бошлар маъноларини.

Бахрий гуллар дилда очилар —
Дарё оқар томирларидан.
Сув юзига юлдуз сочилар —
У уммонга айланар бирдан!

Шовуллайди — вужудин ўртар,
Босилмаган ташналик ҳамон,
Соҳилларда гуллаб нилуфар, —
Дарёларни чорлайди уммон.

II

Китоблар —
асрлар ҳасрати
Кулгусида маҳзунлик зоҳир,
Севгисида ботин нафрати —
Беписандлик уларга оғир.

Воқиф бўлгил китоб сиридан —
Шунда хаёл ураверар барқ.
Оломоннинг устига бирдан
Оқиб чиқар китоблардан халқ!

***

Бунда анҳор, дарвоза, ишком...
Ёдга солар олис йилларни.
Биринчи шеър, биринчи илҳом,
Варақлайман эски дафтарни.

Анҳор мавжли, сокин сирли тун,
Юлдузларни аллалар ройиш.
Унутиб дил дунё ташвишин,
Фақат шунда топмиш осойиш.

Анҳор мавжли, сўзлари сирли,
Шивирлар не дея ўтдилар.
Мавжларида шаддод ва нурли,
Қанча йиллар оқиб кетдилар.

Умрмикин, йўлмикин, ҳамон
Олисларда кезса-да ўйим,
Ўз исмимни эшитганим он
Ёдга тушар туғилган уйим.

ГЎДАК

Бешик тебранишдан тўхтаган замон,
Яна йиғисини бошлайди гўдак.
Ажаб, тўлқинларда бормикан ором,
Сабабин билолмай мен жони ҳалак.

Гўдак хаёлига аёнми очун
Митти жилғалару уммоннинг ҳоли.
Лаҳзалик тинимни истамас нечун,
Ажиб парвозларни тилар хаёли.

Ёки ошиқарми жилғалар монанд,
Ҳаёт дарёсининг тўлқинларига,
Гоҳ қуёш нурига бўлмоққа пайванд,
Гоҳо дур қучмоққа уммон қаърига.

Бир лаҳза тўхтамас бу чархи фалак,
Бир лаҳза тўхтамас Вақт, Замона.
Бир лаҳза тинимни истамас гўдак,
Фақат лаҳза ором олсайди она.

ҚИШ МАНЗАРАСИ

Xullas...

КАСОФАТ ТИШ

Туркиялик ўттиз беш ёшли Нодир Уфқон исмли киши, тишининг илгарироқ оғримаганидан ҳасратланиб юрибди. Сабаби, у бундан йигирма йил илгари кўзи кўр, қулоқлари кар бўлиб қолган эди. Яқинда нима бўлдию шамоллаб тишларидан бири оғриб врачга мурожаат қилди. Врачнинг одатини биласиз, дарров... Шунда нима бўлди денг, Уфқоннинг кўзлари мошдай очилиб, қулоқлари лакатердай ишлаб кетди. Лекин нима учундир бемор сиз билан бизчалик қувонмади. Маълум бўлишича, унинг кўзи юмуқлигида яхши кўриб юрган қизи кўзи очилгунча бошқага...

ҲОТАМТОЙ МАҲМАРАЙИМ

Ғаллаоролдаги хусусий ошхоналарнинг бирига эндигина ишга келган Маҳмарайим ишдан озод этилди. Сабаби, шундай. Маълумки, ҳар бир ошхона ўзига кўпроқ хўранда излайди. Айниқса катта йўл ёқасидаги ошхоналар автобус шофёрлари билан келишишади. Битимга кўра, шофёрлар бепул овқатланади. Ўша куни кароватда ястаниб ётган тўртта хўрандани шофёрлар деб ўйлаган шўринг қурғур Маҳмарайим, ошхонадаги хос «жаз-буз»ларни уларга тортиқ қилади. Бундай ғамхўрликдан хурсанд бўлган «шофёрлар» ебчиб йўлларига равона бўлишади. Ва ярим соатдан кейин орқасидан Маҳмарайим ҳам...

АҚЛЛИ ВАСКА

Баъзан ўйланиб қоласан киши. Гўё замонлар ўзгариб, ҳатто ҳайвонлар ҳам кундан-кунга ақлли бўлиб бораётгандек. Исботини мана эшитинг. Тюменлик Алек, таътилидан фойдаланиб, дам олиш учун бошқа шаҳарга кетади. Акамиз ҳам бошқа киши йўқдек Васка исмли мушугини ҳамроҳ қилиб олган экан. Хуллас, ўша ёқда нима бўлибдию Васка йўқолиб қолибди. Уйига хомуш қайтган Алек мушугининг «қўк»ини кийиб юрса, бир куни Васка озиб-тўзиб келиб қолибди. Ўзиям қаерга денг, эгасининг ишхонасига. Қизиғи, мушук бирон маротаба Алекнинг ишхонасига бормаган экан.

ana shunaqa gaplar

Sport maydonchasi

НЎЪМОН ҲАСАНОВ «СПАРТАК»ДА

Футбол бўйича 1997 йил мамлакатимиз чемпионлигини қўлга киритган Нўъмон Ҳасанов (МҲСК) навбатдаги мавсумдан бошлаб Москванинг «Спартак» командасида тўп суради. Мураббий Олег Романцевнинг таъкидлашича, Нўъмон «Спартак» талабига ҳар томонлама тўлиқ жавоб берар экан.

ИРИСМЕТОВ ва АТОЯН ГРЕЦИЯда

Ўзбекистон чемпионатининг ўтган мавсумдаги тўпурари Жаъфар Ирисметов («Дўстлик») ҳамда «Нефтчи» аъзоси Степан Атоян яқинда Грециянинг «Продефтики» клуби билан шартнома имзоладилар. Маълумотларга қараганда, ушбу клуб бу икки футболчи билан 1997 йил бошидан буён қизиқиб келади.

ФЕДОРОВ ҲАМ МОСКВАда

Мамлакатимизнинг тўрт карра чемпиони Фарғонанинг «Нефтчи» командаси аъзоси Андрей Фёдоров ҳам бошқалар қатори хориж клубида ўйнаш истаги борлигини билдирди ва Москванинг ЦСКА клубига бориб қўшилди. «Навбаҳор»нинг аъзоси Дмитрий Батинков эса «Тюмень» командасига кўчди.

ЧИРЯЗОВАнинг ОМАДИ КЕЛМАДИ

Японияда давом этаётган қишки Олимпиада ўйинлари кун сайин авж олиб бормоқда. Яқинда ўтказилган фристайлчилар мусобақасида ҳамюртимиз Ленахоним Чирязова ҳам ўзини синаб кўрди. У дунёнинг 24 уста спортчиси ўртасида 13 ўринни олди ва финалга чиқа олмади.

ҚОЗОҒИСТОН КАНАДАни ЮТАДИМИ?

Олимпиада ўйинларида қатнашаётган Қозоғистон хоккей терма командасининг обрўси икки-уч ҳисса ошиб кетди. Улар 1/8 финалда Канада терма командаси билан учрашадилар. Қолган жуфтликлар қуйидагича тартибланди: Россия—Белорусь, АҚШ—Чехия, Финляндия—Швеция.



ҚУТЛОВ

Қадрли Фаридон УСМОНОВ!

Сизни муборак 50 ёшга тўлишингиз муносабати билан самимий қутлаймиз. Сизнинг илмий-ижодий ишларингизга муваффақият, оилавий бахт, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Иқтисодиёт университети қошидаги иқтисодиёт гимназияси жамоаси.

ЭЪЛОН

Халқ таълими вазирлиги бошланғич синфлар ўқувчилари учун қишки кийимлар (куртка, этик, бош кийим, қўлқоп) ва биринчи синф ўқувчиларини таъминлаш учун ўқув қуроллари (папка, дафтар, ручка, ўчирғич, қора ва рангли қалам, пластилин, бўёқ ёки фломастер, расм дафтари, рангли қоғоз жамламаси, қаламдон, елим) танловини ўтказади.

Танловда Енгил саноат, «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув», қўшма корхоналар, чет эл фирмалари ва бошқа ташкилотлар ўз маҳсулот намуналари билан қатнашишлари мумкин.

Танловда саралаб олинган маҳсулотларга харид қилиш учун шартномалар тузилади.

Танловда иштирок этиш учун маҳсулот намуналари эълон қилинган кундан бошлаб 15 КУН муддат ичида қабул қилинади.

Маълумот учун қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинсин: 68-75-46, 68-85-42, 67-57-85.

Quvnoq startlar

МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВ

XV республика «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақасининг биринчи босқич беллашувида Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Лутфий номидаги 254-мактабнинг «Қалдирғоч» ҳамда Фарғона вилояти Риштон тумани Мамадали Топиболдиев номидаги 27-мактабнинг «Турон» командаси аъзолари ғалаба иштиёқида ҳаракат қилишди.

Дастурнинг «Қисқа масофага югуриш эстафетаси»да «Қалдирғоч» командаси аъзолари маррага биринчи етиб келишган бўлишса ҳам, кўплаб хатоларга йўл қўйишди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари улардан 6 очкони олиб ташлаб, 4 очко беришди.

Дастурнинг кейинги беллашувларида гоҳ у команда, гоҳ бу команда ғалаба қозонди. Тўртинчи мусобақада 15:13 ҳисобида «Қалдирғоч» олдинга чиқиб олган бўлса, бешинчи учрашувда 8 очкони қўлга киритган «Турон» 21:15 ҳисобида карвонбошилик қила бошлади. Олтинчи учрашувдан кейин «Қалдирғоч» яна рақибидан 4 очко узиб кетди.

Дастурнинг еттинчи мусобақасидан сўнг «Турон» 39:30 ҳисобида олдинга утиб олди.

Охирги беллашув — «Сардорлар танлови»дан аввал («Арқон тортишув») «Қалдирғоч» 39:34 ҳисобида олдинда бораётган эди. Икки команда сардорлари беллашувида «Турон» командаси қимматли 5 очкони қўлга киритиб, 39:38 ҳисобида ғалаба қозонди ва иккинчи даврада қатнашиш ҳуқуқини олди.

Риштон туманидаги 27-мактаб директори Раҳмонжон Зоҳидов ҳамда Шайхонтоҳур туманидаги 254-мактаб директори Йўлчи Абдуллаевдан жисмоний тарбия ва спорт ишлари, оммавийлик ҳаракати ҳақида қисқача сўзлаб беришларини илтимос қилдик.

Р. ЗОҲИДОВ: — Мактабимизда 1961 ўқувчи таълим олмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича 10 нафар ўқитувчи дарс ва синфдан ташқари машғулотларда спорт ишларига алоҳида эътибор қаратган. Спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, шарқона кураш ва бошқа турлари бўйича тугараклар ишлаб турибди. Вилоятда ўтказилган «Футбол ғунчалари» мусобақасида ўтган йили ўқувчиларимиз чемпион бўлишди. «Қувноқ стартлар» мусобақасига «Турон» командасини тайёрлашда ўқитувчимиз Эркинжон Тошқўзиев ўз ҳамкасблари билан катта хизмат қилди. Спортни оммалаштириш ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол инсонни тарбиялаш омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Й. АБДУЛЛАЕВ: — Мактабимизда жисмоний тарбия ва спорт ишларининг жонланишида олий тоифали жисмоний тарбия ўқитувчиси Исматилла Алимбековнинг хизматлари беқиёс. У мактабимизга бундан беш йил илгари ишга келган эди. Қисқа муддат ичида катта ютуқларга эришди. Синфдан ташқари турли спорт тўгаракларини йўлга қўйишда, спортни кенг оммалаштиришда тер тўкиб ишлаётир. Мактабнинг 4-5-синф ва 8-9-синф ўқувчилари «Чарм тўп» мусобақаларида туманда пешқадамлар сафида келаётгани бежиз эмас. Шарқ якка кураши, волейбол тўгаракларида ҳам қувончли ютуқларга эришилганлиги бежиз эмас.

Соғлом авлодни камолга етказишда Исматилла Алимбеков ва жисмоний тарбия ўқитувчиларимиздан Земфира Шабаева, Маҳмуд Дадахоновлар янада ғайрат кўрсатиб ишлашмоқда.

Ғ. МАННОПОВ

СИНОВ

Ҳажвия

— Битта «уч»га шуми? — деди кафедра мудири Шайдоев доцент Пайдоев стол устига қўйган ароққа им қоқиб. — Сен «уч» қўйдинг, у эса сенга шуни берди-а?

— Бергани йўқ! — Пайдоев тутақди. — Сумкамга солиб қўйди.

— «Уч»ни қўйиб бўлганингдан сўнг солдими?

— Йўқ! Солиб қўйганидан сўнг «уч» қўйдим.

— Ҳаяжонлангандирсан?

— Нима, биринчи марта имтиҳон оляпманми?!

— Узим, шунчаки сўраяпман-да, — деди Шайдоев шишани қўлига олиб, у ёқ-бу ёққа айлантириб. — Сенингча, шу «уч»га арзийдими энди?

— Улибди энди, арзийди!

— Мазасини кўрмай, ишонч билан гапираётганингга қара. Эҳтимол, сохтадир?

— Эй, нафасингизни иссиқ қилинг, тозаси!

— Узи айтдими буни?.. Чув туширган бўлмасин тағин.

— Ҳозир синаб кўрамиз-да, — деди Пайдоев ароқни қопқоғини очатуриб.

Худди шу гапни илҳақ кутиб турган Шайдоев дарров стол тортмасидан иккита стакан чиқариб қўйди ва «қани, қуй-чи» дея қўлларини бир-бирига ишқалади. Биринчи қадаҳни оқлашгач, Шайдоев елка қоқиб:

— Оҳ-оҳ, айтганингча бор экан, — деди яна бир бор шишани қўлига олиб. — «Турт» қуйсанг ҳам буларкан, алдамабди!

— Алдаб ҳам кўрсин-чи, — деди Пайдоев стаканларга яна ароқ қуяётиб: — Кейинги чоракликда яна узимга имтиҳон топширади...

Илҳом ЗОИР

Internet

АМЕРИКА ДЕҲҚОНИ ВА ОШҚОВОҚ

Шимолий ва Жанубий Америкада қишлоқ хўжалиги сўнгги 5 минг йил ичида ривож топганлиги кўпроқ таъкидланар эди. Янги тадқиқотлар натижаларига кўра, бу ерда яшовчилар ўн минг йилдан олдин ҳам қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиша бошлаганликлари аниқланган. Маълумки, Осиё ва Яқин Шарқда яшовчи кишилар ёввойи ўсимликлардан маҳсулот олишни ўша пайтлари билар эдилар. Мексиканинг Осаки номли еридаги бир ғордан топилган ўсимлик қолдиғи янги ҳужжат этиб кўрсатилмоқда.

Олимлар ўттиз йил олдин шу ғордан ошқовоқ қолдиғи ва бир нечта уруғ топишган эди. Ана шу қолдиқ Мексико шаҳридаги Мексико антропологияси ва тарих институтида ҳозиргача сақланган. Шунча йил ўтишига қарамасдан ошқовоқ яхши сақланган. Вашингтондаги Симиссойин институти қошида вазифали археолог Прус Симит берган маълумотга кўра, олимлар ўта такомиллашган лаборатория методи орқали ошқоворқдаги атомларнинг ёшини топишга уринганлар. Текширувлар натижасида ошқовоқдаги атомлар 8-10 минг йилги эканлиги аниқ бўлган.

Америкадаги деҳқонлар одатда маккажўхори етиштирмаган. Ошқовоқдан беш минг йил кейин маккажўхори ва ловия экиша бошлаганлар.

Америкада яшовчилар олти минг йил давомида ўсимликлар эккан ҳолда, ундан озиқ-овқат сифатида фойдаланишмаган. Улар овчилик билан ҳаёт кечиришни давом эттиришган. Ёввойи ҳайвонлардан ва ёввойи ўсимликлардан, дарахтлардан олган мевалардан фойдаланишда давом этганлар. Олимларнинг тахминига кўра, шу даврда Америкада кишилар фақат чекка жойларда деҳқончилик билан шуғулланганлар. Деҳқончилик билан кун кўрган қишлоқлар эски дунёда тез суръатлар билан кўпайган. Масалан, Ўрта Чағда инсонлар буғдой ўстириб, ундан фойдаланишни ўрганганидан 41 минг йил кейин деҳқончилик қилинган қишлоқлар ривожлана бошлаган. Эҳ, бу сир-синоатга бой дунё бошидан нималарни кечирмаган дейсиз?!

«Интернет» асосида Норали ОЧИЛОВ тайёрлади

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва ТАРИХ факультети жамоаси профессор Исо Жабборовга оналари Мамажон ая ЖАББОРОВА вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Чилонзор тумани халқ таълими бўлими ва 270-мактаб жамоаси шу мактаб илмий бўлим мудири Маъмура ҲАЙТМУҲАМЕДОВА вафоти муносабати билан оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Давлат таълим стандартлари бўйича Республика инспекцияси жамоалари инспекциянинг етакчи эксперти С. Ёқуббековага оналари ФОТИМА аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ректорати ва касаба уюшмаси институт кутубхоначиси Моҳидилбону Назаровага оналари Тамара БОЗОРОВА вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ҳунар таълими ходимлари малакасини ошириш институти ректорати ва жамоаси институт Касб педагогикаси ва психология кафедраси мудири Юсуф Маҳмудовга онаси МУҲАРРАМ ая вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Рустам БОЙМАТОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0986. Тиражи 58104. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6